

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

**3-4-сон
(31-32)**

2011 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

**ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР —
ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ**

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати ўртасида божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисида битим (2011 йил 30 март, Тошкент) 5
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бўйин товланинг олдини олиш тўғрисида битим (2010 йил 22 ноябрь, Амман) 12
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоқи билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти ўртасида Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш, унинг имтиёзла-

ри ва иммунитетлари тўғрисида битим (2011 йил 24 январь, Брюссель)	32
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим (2011 йил 5 май, Тошкент)	35
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о взаимном учреждении торговых представительств (Ташкент, 5 мая 2011 года)	38
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисида битим (2011 йил 5 май, Тошкент)	41
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о научно-технологическом сотрудничестве (Ташкент, 5 мая 2011 года)	44
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона маъмуриятларига ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида битим (1999 йил 12 июнь, Тошкент)	48
Меморандум о взаимопонимании между Министерством экономики Республики Узбекистан и Министерством экономики знаний Республики Корея о сотрудничестве в области промышленности, энергетики и минеральных ресурсов (Ташкент, 23 августа 2011 г.)	54
Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро Англашув Меморандуми (2011 йил 23 август, Тошкент)	57
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан Корея Республикаси «Корея Статистикс» ўртасида статистика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув Меморандуми (2011 йил 24 август, Тошкент)	60
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (2010 йил 27 ноябрь, Доха)	62
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим (2010 йил 27 ноябрь Ар-Риёд)	65
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим (2011 йил 21 сентябрь, Тошкент)	70

Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о технико-экономическом сотрудничестве (Ташкент, 21 сентября 2011 г.)	71
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисида битим (2011 йил 26 октябрь, Пекин)	72
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-Китайского межправительственного комитета по сотрудничеству (Пекин, 26 октября 2011 г.)	76
Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Венгрия савдони лицензиялаш идораси ўртасида метрология соҳасида техник ҳамкорлик тўғрисида Англашув Меморандуми (2011 йил 7 ноябрь, Тошкент)	80
Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Венгрия стандартлар институти ўртасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битим (2011 йил 7 ноябрь, Тошкент)	82
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида даромаддан олинадиган солиқларнинг икки ёқлама қўлланишининг олдини олиш тўғрисидаги 1996 йил 3 июлда имзоланган Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақида Протокол (2011 йил 18 апрель, Пекин)	85
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисида Битим (2011 йил 19 апрель, Пекин)	87
Обменные ноты о внесении изменений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Корея об установлении воздушного сообщения между их соответствующими территориями и за их пределами от 06.06.1994 г. (Сеул, 19 августа 2011 года; Ташкент, 2 сентября 2011 года)	100
Меморандум о сотрудничестве между Министерством финансов Республики Узбекистан и Министерством финансов и стратегии Республики Корея. (Сеул, 12 августа 2011 года; Ташкент, 28 августа 2011 года)	100
Меморандум о взаимопонимании между Министерством по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Министерством культуры, спорта и туризма Республики Корея. (Сеул, 1 августа 2011 года)	101
Меморандум о взаимопонимании между Агентством по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан и Корейским ведомством	

по интеллектуальной собственности. (Тэджон, 19 августа 2011 года; Ташкент, 26 августа 2011 года)	101
Меморандум о сотрудничестве между Министерством сельского и вод- ного хозяйства Республики Узбекистан и Министерством сельского хозяйства и развития села Социалистической Республики Вьетнам о сотрудничестве в сфере сельского хозяйства и развития села. (Ташкент, 3 октября 2011 года)	101

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания
Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати ўртасида божхона иши
соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 30 март, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
2 июндаги ПҚ–1545-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 1 июлдан кучга кирган) ***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати, бундан кейинги ўринларда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

божхона қонунчилигини бузиш улар мамлакатларининг иқтисодий, фискал, саноат, савдо ва маданий манфаатларига зарар етказди, деб ҳисоблаб,

товарларни импорт ёки экспорт қилишда олинadиган божхона божлари ва бошқа солиқларни аниқ ҳисоблаш ва шунингдек бундай товарларнинг қиймати ва келиб чиқишини тўғри белгилашнинг муҳимлигини англаб,

идора қилиш ва божхона қонунчилигига риоя этиш масалаларида халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни эътироф этиб,

божхона қонунчилигини бузишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўз мамлакатлари божхона органларининг яқиндан ҳамкорлиги воситасида янада самарали бўлиши мумкинлигига ишонган ҳолда,

Божхона ҳамкорлиги Кенгашининг ўзаро маъмурий кўмаклашиш ҳақидаги 1953 йил 5 декабрдаги Тавсияларини эътиборга олиб,

Шунингдек, 1988 йил 20 декабрдаги БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини эътиборга олиб,

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 231-модда.

** Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 7 июлдаги 05/17919-сон Нотаси.

Иордания томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Тошкентдаги элчихонасининг 2011 йил 8 июндаги 4/237-сон Нотаси.

1-модда **Таърифлар**

Ушбу Битим мақсадлари учун:

1. «божхона қонунчилиги» — товарларни импорт, экспорт ва транзит қилишда ёки ҳар қандай бошқа божхона тартибида қўлланувчи, божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ божлар, бошқа йиғимлар ёки тўловлар олишни ёки божхона органлари томонидан тақиқлаш, чеклаш ва назорат чораларининг қўлланишини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни англатади;

2. «божхона органи» Ўзбекистон Республикасида Давлат божхона қўмитасини, Иордания Ҳошимийлар Қиролигида Иордания божхонасини англатади;

3. «сўраётган орган» мазкур Битимга мувофиқ ёрдам кўрсатишни сўраётган божхона органини англатади;

4. «сўралаётган орган» мазкур Битимга мувофиқ ёрдам тўғрисидаги сўровни қабул қилаётган божхона органини англатади;

5. «божхона ҳуқуқбузарлиги» божхона қонунчилигини ҳар қандай бузиш ёки бузишга уринишни англатади;

6. «божхона божлари» Аҳдлашувчи Томонлар давлатлари ҳудудларида божхона қонунчилигига мувофиқ ҳисобланадиган ва ундириладиган барча божлар, солиқлар, тўловлар ва/ёки бошқа йиғимларни англатади, миқдори кўрсатилган хизматларнинг тахминий қийматига қадар чегараланган йиғимлар бундан мустасно;

7. «шахслар тўғрисида маълумотлар» аниқланган ёки аниқланаётган шахсга тааллуқли барча маълумотни англатади;

8. «наркотик воситалар» Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг миллий қонунчилиги томонидан 1961 йил 25 мартда қабул қилинган БМТнинг наркотик воситалар тўғрисидаги ягона Конвенциясининг наркотик воситалар рўйхатлари асосида, кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан белгиланган моддаларни англатади;

9. «психотроп моддалар» Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг миллий қонунчилиги томонидан 1971 йил 21 февралда қабул қилинган БМТнинг психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенциясининг психотроп моддалар рўйхатлари асосида, кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан белгиланган моддаларни англатади.

2-модда

Битимни қўллаш соҳаси

1. Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари божхона қонунчилигини тегишлича қўллаш ва хусусан, божхона қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш, уларга қарши курашиш ва текшириш мақсадида, тегишли тарзда ва ушбу Битим қоидаларига риоя этган ҳолда бири-бирига ёрдам кўрсатадилар.

2. Ушбу Битимга мувофиқ кўрсатиладиган барча ёрдам сўралаётган

Ахдлашувчи Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

3-модда **Сўровнома бўйича ёрдам кўрсатиш**

1. Сўраётган органнинг сўровномасига кўра сўралаётган орган божхона қонунчилигига риоя этишни таъминлашга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган барча тегишли маълумотни, шу жумладан, булардан ташқари, товарларни транспортда ташиш ва юклаб жўнатиш, бундай товарларнинг жойлаштирилиши ва нимага мўлжалланганлиги, уларнинг қиймати ва келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек божхона қонунчилигининг бузилишини келтириб чиқарган ёхуд келтириб чиқариши мумкин бўлган содир этилган ёки режалаштирилаётган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

2. Сўраётган органнинг сўровномасига кўра сўралаётган орган бир Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудидан олиб чиқилган товарларнинг бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудига тегишли равишда олиб кирилгани тўғрисида, зарур бўлганда товарларга нисбатан жорий этилган божхона тартибни аниқлаган ҳолда маълумот беради.

3. Сўраётган органнинг сўровномасига кўра сўралаётган орган қуйидагилар устидан назоратни таъминлаш учун зарур чораларни кўради:

а) муайян жисмоний ёки юридик шахслар, агар улар сўраётган Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида божхона қонунчилигини бузаётган ёки бузган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса;

б) сўраётган Ахдлашувчи Томон давлатининг ҳудудига ноқонуний равишда импорт қилишга мўлжалланган деб гумон қилиш учун асос бўладиган тарзда товарлар сақланаётган жойлар;

с) сўраётган орган сўралаётган Ахдлашувчи Томон давлатининг ҳудудида божхона қонунчилигининг жиддий бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилаётган товарларнинг кўчирилиши;

д) сўраётган Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида божхона қонунчилигини бузиш мақсадида фойдаланилаётгани ёки фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлган ёхуд гумон қилинаётган транспорт воситалари.

4-модда **Ихтиёрий ёрдам кўрсатиш**

Ахдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари ўз ваколатлари доирасида агар уларнинг фикрига кўра, бу божхона қонунчилигига тегишлича риоя этиш учун зарур бўлса, хусусан, улар қуйидагиларга тааллуқли бўлган маълумотлар олсалар, бир-бирига ёрдам кўрсатадилар:

а) божхона қонунчилигини бузган, бузаётган ёки бузиши мумкин бўлган ва бошқа Ахдлашувчи Томон учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар;

б) божхона қонунчилигини бузиш мақсадида фойдаланиладиган янги восита ёки усуллар;

с) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида божхона қонунчилиги жиддий бузилишининг объекти сифатида маълум бўлган товарлар.

5-модда **Техник ёрдам**

Ушбу Битим доирасида ёрдам кўрсатиш, шунингдек қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) божхона қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган мажбурлов чоралари;

б) божхона қонунчилигини бузиш мақсадида фойдаланиладиган янги усуллар;

с) йўловчилар ва товарларни расмийлаштиришнинг янги технологиялари ва такомиллаштирилган усуллари.

6-модда **Тақдим этиш/Хабардор қилиш**

Сўраётган органнинг сўровномасига асосан сўралаётган орган ўз давлатининг қонунчилигига мувофиқ:

а) сўралаётган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш;

б) ўз давлати ҳудудида яшаётган ёки жойлашган адресатга ушбу Битим доирасида қабул қилинган қарорлар тўғрисида маълум қилиш мақсадида барча зарур чораларни кўради.

7-модда **Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровноманинг шакли ва мазмуни**

1. Сўровномалар ушбу Битимга мувофиқ ёзма шаклда юборилади. Бундай сўровномаларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар сўровномага илова қилинади. Заруриятга қараб шошилиш ҳолатларида оғзаки ёки электрон сўровнома қабул қилиниши мумкин, аммо у дарҳол ёзма шаклда тасдиқланиши лозим.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган сўровномалар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) сўровнома юбораётган органнинг номи;

б) сўралаётган чора;

с) сўровноманинг мақсади ва сабаби;

д) қонун-қоидалар ва бошқа тегишли ҳуқуқий нормалар;

е) сўралаётган жисмоний ёки юридик шахсларнинг номлари тўғрисида мумкин қадар аниқ ва батафсил маълумотлар;

ф) 6-моддада назарда тутилган ҳолатлардан ташқари тегишли фактлар тавсифи;

г) сўралаётган ёрдам билан сўралаётган ишнинг бир-бирига алоқадорлиги.

3. Сўровномалар инглиз тилида амалга оширилади.

4. а) Ёрдам Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг тегишли божхона органлари ўртасида бевосита алоқа йўли билан кўрсатилади.

б) Агар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон давлатининг божхона органи сўровномани бажаришга ваколатли орган бўлмаса, у сўровномани ваколатли органга топширади, ушбу орган ўз ваколатларига мувофиқ миллий қонунчилик доирасида уни бажаради, ёки сўраётган органни бундай сўровномани бажариш учун зарур бўлган тегишли тартиб тўғрисида хабардор қилади.

5. Сўровнома расмий талабларга жавоб бермаса, сўралаётган Томон уни тузатишни талаб қилиши мумкин.

8-модда

Сўровномаларни бажариш

1. Ҳар икки Аҳдлашувчи Томон сўровноманинг бажарилиши учун барча керакли бўлган чораларни кўради.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг божхона органи бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати божхона органининг сўровномаси бўйича зарур текширув ўтказиши, шу жумладан экспертлар ва гувоҳлар ёки божхона қонунчилигини бузишда гумон қилинаётган шахслар билан сўроқ ўтказиши ва ушбу Битимда кўрсатилган масалалар билан боғлиқ фактлар юзасидан тасдиқлаш, кўздан кечириш ва фактларни аниқлаш бўйича чоралар кўради.

9-модда.

Маълумотларни тақдим этиш шакли

Сўралаётган орган сўраётган органга текширувлар натижаларини юборди.

10-модда

Ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятлардан истиснолар

1. Агар сўралаётган орган сўралаётган ёрдам ўз давлатининг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартибига ёки бошқа муҳим миллий манфаатларига зарар етказиши ёки маълумотлар махфийлигининг бузилишига олиб келади, ёхуд миллий қонунчиликка зид бўлади, деб ҳисобласа, унда ёрдам рад қилиниши мумкин ёхуд унинг бажарилиши муайян шарт ёки талаблар муҳокамасининг мавзуси бўлиши мумкин. Сўровнома божхона божларини тартибга солишдан бошқа валюта ва солиқ бўйича тартибга солиш масалаларига дахлдор бўлса ҳам ёрдам рад қилиниши мумкин.

2. Агар сўраётган орган унинг ўзи кўрсата олмайдиган ёрдамни кўрсатишни сўраётган бўлса, унда ушбу орган ўз сўровномасида ушбу фактга эътиборни қаратиши лозим. Бундай сўровномани бажариш сўралаётган орган ихтиёрига боғлиқ бўлади.

3. Агар ёрдам кўрсатиш кечиктирилган ёки рад этилган бўлса, унда сўраётган органга ушбунинг сабаблари ва ечимлари тўғрисида кечиктирилмасдан хабар берилади.

11-модда

Махфийликка риоя қилиш мажбурияти

1. Ушбу Битимга мувофиқ бирор шаклда бериладиган ҳар қандай маълумот махфий хусусиятга эга бўлади ва ушбу Битим доирасидан ташқарида ишлатилмайди ҳамда учинчи томонга ошкор этилиши мумкин эмас.

2. Шахслар тўғрисидаги маълумотлар Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилигига мувофиқ шахсий маълумотлар учун эквивалент ҳимоя даражаси тақдим этилганидагина берилиши мумкин.

12-модда

Маълумотлардан фойдаланиш

1. Ўзаро ёрдам доирасида олинган маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа хабарлардан фақат Аҳдлашувчи Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ ҳамда ушбу Битимда белгиланган мақсадларда, шу жумладан жиноят ва маъмурий суд ишларида фойдаланиш мумкин.

2. Сўраётган орган ушбу Битимга кўра олинган далиллар ёки маълумотлардан сўралаётган органнинг олдиндан ёзма розилигисиз сўровномада кўрсатилганидан бошқа мақсадларда фойдаланмайди.

3. Агар ушбу Битим доирасида шахслар тўғрисидаги маълумотлар алмашилаётган бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари улардан фақат сўровномада кўрсатилган мақсадларда ҳамда сўралаётган орган қўйиши мумкин бўлган шартларга мувофиқ фойдаланилади.

4. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари наркотик воситалар, психотроп моддалар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларга тааллуқли маълумотларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай маълумот сўраётган Аҳдлашувчи Томон давлатининг наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашга бевосита жалб қилинган органларига берилиши мумкин.

13-модда

Ишлар, ҳужжатлар ва гувоҳлар

1. Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари сўровномага кўра товарларни транспортда ташиш ва юклаб жўнатишга тааллуқли ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини бундай товарларнинг қийматини, келиб чиқишини, турган жойини ва тайинланган манзилни кўрсатиш билан тақдим этадилар.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон давлати божхона органининг сўровномасига кўра бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати божхона органи ўз ихтиёрига кўра ходимларига уларнинг розилиги билан сўраётган Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида маъмурий ишларни юритиш чоғида гувоҳлар ёки экспертлар сифатида иштирок этиш ваколатини беради ва бундай ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёки уларнинг аслига тўғри нусхаларини тақдим этади.

14-модда **Харажатлар**

1. Божхона органлари экспертлар ва гувоҳларга ҳақ тўлаш, шунингдек сўраётган божхона органи томонидан қопланиши лозим бўлган давлат хизматчиси бўлмаган таржимонларнинг оғзаки ва ёзма таржималари учун харажатлардан ташқари, ушбу Битим қоидаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга мажбур эмас.

2. Сўровномани бажариш катта харажатларни талаб этса, Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари сўровнома бажариладиган муддат ва шартларни, шунингдек харажатлар қандай тарзда қопланишини белгилаш учун маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

15-модда **Битимнинг қўлланиши**

1. Ушбу Битимни бажариш Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари зиммасига юкланади. Улар Битимни бажариш учун барча амалий чораларни ва шартларни қабул қиладилар.

2. Ушбу Битимнинг айрим қоидаларини бажариш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг божхона органлари қўшимча битимлар ва протоколлар тузишлари мумкин.

3. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш муносабати билан юзага келадиган барча низолар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ёхуд дипломатик каналлар орқали ҳал этилади.

16-модда **Битимнинг кучга кириши ва амал қилишининг** **тўхтатилиши**

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани ҳақида дипломатик каналлар сўнгги хабарнома олинган санадан кейинги иккинчи ойнинг биринчи кунда кучга киради.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро ёзма келишуви бўйича мазкур Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартиш ва қўшимчалар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида протоколлар билан расмийлаштирилади ва ушбу модданинг 1-банди қоидаларига биноан кучга киради.

3. Ушбу Битим ноаниқ муддатга тузилди ва Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонни ўзининг ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабардор қилмагунча амал қилади. Битимнинг амал қилиши бундай хабар олингандан сўнг 6 ой ўтгач тўхтатилади. Ушбу моддага мувофиқ Битим амал қилишининг тўхтатилиши, тўхтатишга қадар бошланган ва лекин тугалланмаган тадбир-

ларга нисбатан дахл қилмайди ва бундай тадбирлар мазкур Битимнинг қоидаларига мувофиқ тугалланади.

Юқоридагиларни тасдиқлаш мақсадида ўз ҳукуматлари томонидан ваколатга эга бўлганлар қуйидаги имзоларни чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 30 мартда ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор бўлади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания
Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати ўртасида икки ёқлама
солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини
тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида
БИТИМ**

2010 йил 22 ноябрь, Амман

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
11 апрелдаги ПҚ–1518-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 13 июлдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати

Икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида битим тузиш истагини билдириб, шунингдек икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка кўмак бериш мақсадида

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 15-сон, 150-модда.

** Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида 2011 йил 13 апрелдаги 05/11477-сон Нота.

Иордания томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Тошкентдаги элчихонасининг 2011 йил 13 июлдаги 4/285-сон Нотаси.

I боб. Битимни қўллаш соҳаси

1-модда

Битим татбиқ этиладиган шахслар

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккисининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Битим татбиқ этиладиган солиқлар

1. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий ёхуд сиёсий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган даромад солиқларига нисбатан, уларни ундириш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад солиқларига жами даромаддан ёхуд даромаднинг бир қисмидан олинладиган барча солиқлар, шу жумладан, кўчар ва кўчмас мулкни бошқа шахсга беришдан олинган даромаддан, корхоналар томонидан тўланадиган иш ҳақи ва маошларнинг умумий суммаларидан олинладиган солиқлар кирази.

3. Ушбу Битим татбиқ этиладиган мавжуд солиқлар, хусусан қуйидагилардир:

а) Ўзбекистонда:

(i) юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи;

(ii) жисмоний шахсларнинг даромад солиғи

(бундан кейин «Ўзбекистон солиғи» деб номланади);

б) Иорданияда:

(i) даромад солиғи

(бундан кейин «Иордания солиғи» деб аталади).

4. Ушбу Битим у имзоланган санадан сўнг мавжуд солиқларга қўшимча тарзда ёки мавжудлари ўрнига ундириладиган ҳар қандай айнан бир хил ёки моҳияти жиҳатидан ўхшаш солиқларга нисбатан ҳам қўлланади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг тегишли солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ҳар қандай муҳим ўзгартишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

II боб. Таърифлар

3-модда

Умумий таърифлар

1. Ушбу Битимнинг мақсади учун, агар матндан ўзга маъно келиб чиқмаса:

а) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матн мазмунига қараб, Ўзбекистонни ёки Иорданияни англатади;

б) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини англатади ва жуғрофий маънода қўлланилганда Ўзбекистон Республикаси ўз қонунчилиги бўйича ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ суверен ҳуқуқлари ва юрисдикция-

сини, шу жумладан ер ости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини, шу жумладан ҳудудий сувлар ва ҳаво кенгликларини англатади;

с) «Иордания» атамаси Иордания Ҳошимийлар Қироллигини англатади ва жуғрофий маънода қўлланилганда Иордания Ҳошимийлар Қироллиги ҳудудини, Иорданиянинг ҳудудий сувларини ҳамда ҳудудий сувларнинг денгиз туби ва ер остини англатади ҳамда Иордания қонунлари бўйича ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ Иордания доирасида ҳайвон ва ўсимликлардан яралган табиий ресурсларни қидириш ва ишлатиш мақсадлари учун суверен ҳуқуқларга эга бўлган ҳудуд сифатида бўлган ёки келгусида белгиланиши мумкин бўлган Иордания ҳудудий сувлари чегаралари бўйлаб чўзилган ҳар қандай ҳудудни, ва бундай ҳудуднинг денгиз туби ва ер остини ўз ичига олади;

д) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компанияни ёки шахсларнинг ҳар қандай бошқача бирлашмасини англатади;

е) «компания» атамаси ҳар қандай корпоратив тузилмани ёки солиқ солиш мақсадида корпоратив тузилма сифатида қараладиган ҳар қандай ташкилотни англатади;

ф) «бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» атамалари, тегишлича бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани англатади;

г) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлатда ҳақиқатда бошқариладиган корхона томонидан фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемасида, темир йўл ёки автомобиль транспортида ҳар қандай ташишни англатади, денгиз, ҳаво кемаси, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситасидан фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустасно;

h) «ваколатли орган» атамаси:

i) Ўзбекистонда — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ёки унинг ваколатли вакилини;

ii) Иорданияда — Молия вазири ёки унинг ваколатли вакилини англатади;

j) «миллий шахс» атамаси:

i) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни,

ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз мақомини олган ҳар қандай юридик шахс, ширкат ва уюшмани англатади.

2. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлат томонидан қўлланилган ҳар қандай вақтда унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матн мазмунидан ўзга маъно келиб чиқмаса, ушбу Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан шу Давлатнинг қонунларига мувофиқ келиб чиқадиган маънони англатади; ҳар қандай маъно ушбу Давлатнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Давлатнинг бошқа қонун ҳужжатларидаги мазкур атама учун белгиланган маънодан устун туради.

4-модда **Резидент**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун «Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти» атамаси ушбу Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ ўзининг турар жойи, доимий бўлиш жойи, бошқарув жойи, рўйхатдан ўтган жойи ёки шунга ўхшаш ҳар қандай бошқа мезон асосида унда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади, шунингдек, ушбу Давлат ва ҳар қандай маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинма ёки маҳаллий ҳокимият органларини ўз ичига олади. Бироқ ушбу атама фақат шу Давлатдаги манбалардан даромад олаётган, шу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳар икки Ахдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унда унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

а) шахс фақат у тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий турар жойга эга бўлган Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар у ҳар икки Давлатда тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий турар жойга эга бўлса, у фақат энг яқин шахсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган (ҳаётий манфаатлар маркази) Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар унинг ҳаётий манфаатлари маркази бўлган Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки у Давлатлардан ҳеч бирида тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий турар жойга эга бўлмаса, у фақат одатда яшайдиган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар икки Давлатда яшаса ёки одатда улардан ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлатнинг миллий шахси бўлса, фақат шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар шахс ҳар икки Давлатнинг миллий шахси бўлса ёки улардан ҳеч бирининг миллий шахси бўлмаса, Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув бўйича ҳал қилишлари керак.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, шахс жисмоний шахс бўлишдан ташқари ҳар икки Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, у фақат амалдаги бошқарув органи жойлашган Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти деб ҳисобланади.

5-модда **Доимий муассаса**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхона тўлиқ ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) бошқарув жойи;
- б) бўлинма;
- с) офис;
- д) фабрика;

- e) устахона ва
- f) сотишни амалга ошириш учун фойдаланиладиган омбор ёки хона;
- g) маҳсулотларни саноат миқдорларида сотиш учун ҳам фойдаланиладиган бўлса, саноат кўрғазмаси,
- h) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар қазиб олинадиган ҳар қандай бошқа жой, бурғулаш ускунаси ёки табиий ресурсларни тадқиқ этиш ёхуд улардан фойдаланиш учун фаолият кўрсатаётган кема.

3. «Доимий муассаса» атамаси, шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олади:

- a) қурилиш майдончаси, қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объекти ёхуд улар билан боғлиқ назорат қилувчи фаолият, бироқ бундай майдонча, объект ёки фаолият исталган 12 ойлик давр доирасида олти ойдан ортиқ мавжуд бўлса;
- b) корхона томонидан унинг шундай мақсадлари учун ёлланган хизматчилар ва бошқа ходимлар орқали хизматлар, шу жумладан. маслаҳат хизматларининг кўрсатилиши, бироқ агар бу турдаги фаолият (худди шундай лойиҳа ёки у билан боғланган лойиҳа учун) мамлакат доирасида исталган ўн икки ойлик давр мобайнида жами олти ойдан ортиқ давр ёки даврларни ташкил этса.

4. Ушбу модданинг олдинги қоидаларига қарамай, «доимий муассаса» атамаси қуйидаги фаолият турларини ўз ичига олмайди:

- a) иншоотлардан шу корхонага тегишли товар ёки маҳсулотларни фақат сақлаш ёхуд намойиш қилиш мақсадларида фойдаланиш;
- b) шу корхонага тегишли товар ёки маҳсулотлар захирасини фақат сақлаш ёхуд намойиш қилиш мақсадларида асраб туриш, сақлаш ёки намойиш қилишга буюртмалар бўйича сўровлар бундан мустасно;
- c) шу корхонага тегишли товар ёки маҳсулотлар захирасини бошқа корхона томонидан фақат қайта ишлаш мақсадларида сақлаб туриш;
- d) доимий фаолият жойини фақат товар ёки маҳсулотлар сотиб олиш ёки реклама ёки етказиб бериш учун ёхуд корхона учун ахборот йиғиш мақсадида сақлаб туриш, ахборот йиғиш мақсадида идорага бадал қўшиш бундан мустасно;
- e) доимий фаолият жойини фақат ушбу корхона манфаатлари учун, фақат бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадларида сақлаб туриш;

f) доимий фаолият жойининг фақат a) — e) кичик бандларида қайд этилган фаолият жойининг бундай мажмуасидан келиб чиқадиган жами фаолияти тайёрлов ёки ёрдамчи тусга эга бўлган ҳолатдагина шундай деб қабул қилинади. Юқорида кўрсатилган фаолият фақатгина корхона учун амалга оширилмаган тақдирда, бундай фаолият корхонани доимий муассаса сифатида қарашга олиб келади.

5. 1 ва 2-бандлар қоидаларига қарамай, агар 6-банд татбиқ этиладиган мустақил мақомли агентдан ўзга шахс Ахдлашувчи Давлатда бошқа Ахдлашувчи Давлат корхонаси номидан фаолият кўрсатаётган бўлса, бу корхона ушбу шахс томонидан шу корхона учун амалга ошириладиган ҳар қандай

фаолиятга нисбатан биринчи эслатиб ўтилган Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади, агар бундай шахс:

а) ушбу Давлатда бундай корхона номидан музокаралар олиб бориш ёки (ва) шартномалар тузиш ваколатига эга ва одатда, бу ваколатлардан 4-бандда кўрсатилганидек, агар доимий муассаса сифатида амалга оширилаётган фаолият билан чекланмаган бўлгунга қадар фойдаланаётган бўлса, мазкур банд қоидаларига мувофиқ доимий фаолият жойини доимий муассасага айлантормайди; ёки

б) одатда, биринчи эслатилган Давлатда товар ёки маҳсулотлар захирасини тутиб турган ва бу Давлатга товар ёки маҳсулотларни шундай корхона номидан мунтазам етказиб бераётган бўлса; ёки

с) бу Давлатда шу корхонага тегишли бўлган шундай корхона учун товар ёки маҳсулотларни ишлаб чиқараётган ёки қайта ишлаётган бўлса.

6. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Давлатда брокер, комисионер ёки ҳар мустақил мақомдаги қандай бошқа агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётгани туфайлигина, бундай шахслар ўзининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритган тақдирда, унга бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасасига эга бўлган деб қаралмайди.

7. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилаётгани ёки назорат қилинаётгани ёки ана шу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини амалга ошираётганининг (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда), ўзи бу компаниялардан бирини бошқасининг доимий муассасасига айлантириб қўймайди.

8. Ушбу модданинг олдинги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатнинг суғурта корхонаси, қайта суғурта қилиш ҳолларидан ташқари, агар у бошқа Давлат ҳудудида суғурта мукофотларини йиғса ёки 6-бандга тааллуқли мустақил мақомдаги агентдан ўзга шахс орқали у ерда бўлиши мумкин бўлган хавфни суғурта қилса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади.

III боб. Даромадга солиқ солиш

6-модда

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан олинган даромад (шу жумладан қишлоқ ёки ўрмон хўжалигидан олинадиган даромад ҳам) шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси у кўриб чиқиляётган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги бўйича эга бўлган маънога эга бўлади. Атама ҳар қандай ҳолда ер устидаги мулкка тегишли умумий қонунлар белгиланган кўчмас мулкка боғлиқ бўлган мол-мулк, чорва ва қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик мақсадларига мўлжалланган инвентарь ҳуқуқларини, кўчмас мулк зуфрукти ва қазиб олиш усули учун компенсациялар сифатида тўланади-

ган ўзгарувчан ва қайд қилинган тўловлар ҳуқуқи ёки минераллар қатламларини (конини), булоқларни ва бошқа табиат бойликларини қазиб олиш ҳуқуқларини ўз ичига олади; денгиз, дарё, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти воситалари кўчмас мулк сифатида кўриб чиқилмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1 ва 3-бандлар қоидалари корхонанинг кўчмас мулкидан олинган даромадга ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган кўчмас мулкдан олинган даромадга нисбатан ҳам қўлланилади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлса, фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида айтилганидек амалга ошираётган бўлса, корхона фойдасининг фақат:

а) ушбу доимий муассасага;

б) доимий муассаса орқали сотилаётган товар ёки маҳсулотлар билан бир хил ёки уларга ўхшаш товарлар ва маҳсулотларнинг ушбу бошқа Давлатда сотилишига тегишли қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

2. 3-банд қоидаларини ҳисобга олиб, агар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда бу доимий муассасага, агар у шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни шундай ёки шунга ўхшаш шароитларда амалга ошираётган бўлса ва ўзи доимий муассасаси ҳисобланган корхонадан мутлақо мустақил равишда иш юритаётган алоҳида ва эркин корхона бўлса, олиши мумкин бўлган фойда ажратилади.

3. Доимий муассаса фойдаси аниқланаётганда шу доимий муассаса фаолияти мақсадларида сарфланган харажатларни, жумладан доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ёки ундан ташқарида қилинган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

Бироқ доимий муассаса томонидан корхонанинг бош офисига ёки унинг бошқа офисларидан исталган бирига патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун йиғимлар, роялти тўловлари ёки бошқа шунга ўхшаш тўловлар орқали ёки аниқ хизматлар кўрсатганлик учун комиссия тўлов йўли билан ёки менежмент учун ёхуд банк муассасасидан ташқари ана шу корхона учун қарзга берилган қарз фоизлари тўловлари йўли билан тўланадиган (ҳақиқий харажатларни қоплашдан бошқа бўлган) суммаларга нисбатан чегирмага йўл қўйилмайди. Шунингдек, доимий муассаса томонидан корхонанинг бош муассасасига ёки унинг муассасаларидан бошқа ҳар қайсисига гонорарлар, роялти тўловлари ёки патентлардан ёхуд бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун шунга ўхшаш бошқа тўловлар тўлаш йўли билан

ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менежмент учун комиссия тўловлар йўли билан ёки банк муассасасидан ташқари ана шу корхона учун қарзга берилган қарз фоизлари тўловлари йўли билан (ҳақиқий харажатларни қоплашдан ташқари) сарфланган суммалар доимий муассаса фойдасини аниқлашда эътиборга олинмайди.

4. Аҳдлашувчи Давлатда корхона фойдасининг умумий суммасини унинг турли бўлинмаларига мутаносиб тарзда тақсимлаш асосида доимий муассасага тегишли фойдани белгилаш оддий амалиёт эканлигига қарамай, 2-банддаги ҳеч нарса ўша Давлатга солиққа тортиладиган фойдани шундай тақсимот воситасида аниқлашни тақиқламайди, бироқ, танланган тақсимот усули ушбу моддадаги принципларга мос натижа бериши лозим.

5. Ушбу корхона учун товар ёки маҳсулотлар сотиб олиниши учунгина доимий муассаса ташкил этилди деб ҳисобланмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадларида доимий муассасага тегишли фойда, агар бошқаси учун ишончли ва етарли сабаб бўлмаса, йил сайин худди ўша усулда аниқланади.

7. Агар фойда ушбу Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, бу моддалар қоидаларига ушбу модда қоидалари дахл қилмайди.

8-модда **Халқаро транспорт**

1. Халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларини эксплуатация қилишдан олинган фойда фақат корхонанинг ҳақиқатдаги бошқарув органи жойлашган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

2. Ички сув транспортида фойдаланиладиган дарё кемалари эксплуатациясидан олинган фойдага солиқ фақат корхонанинг ҳақиқий бошқарув органи жойлашган Аҳдлашувчи Давлатдагина солинади.

3. Агар ташиш корхонасининг ёки ички сув транспорти корхонасининг амалдаги бошқарув органи кема бортида ёки дарё кемасида жойлашган бўлса, у холда бошқарув органи денгиз ёки дарё кемаси қайд этилган порт бор Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ҳисобланади, агар бундай қайд қилиш порти бўлмаса, — резидент бундай денгиз ёки дарё кемасининг капитани бўлган Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ҳисобланади.

4. 1-банд қоидалари транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича пулда, кўшма корхонада ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинган фойдаларга ҳам қўлланилади.

9-модда **Бирлашган корхоналар**

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса, ёки

б) айнан ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасини ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхоналарини бошқаришда, назорат қилишда ёки мол-мулкида бевосита ёки билвосита иштирок этса,

ва ҳар қандай ҳолатда иккита корхона ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мутлақо мустақил бўлган корхоналар ўртасида бўладигандан фарқли шароитлар яратилса ёки ўрнатилса, уларнинг бирортасига ҳисобланиши мумкин бўлган, лекин мавжуд шароитлар туфайли ҳисобланмаган фойда ушбу корхона фойдасига қўшилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат шу Давлатнинг корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилган фойдасини, шунингдек солиқларни қўшиб ҳисобласа, ва шу тарзда қўшилган фойда биринчи эслатиб ўтилган Давлат корхонасига ҳисобланиши мумкин бўлган фойда бўлса, агар икки корхона ўртасидаги муносабатлар мустақил корхоналар ўртасидаги муносабатлардек бўлса, унда ушбу бошқа Давлат шу фойдадан олинadиган солиқ миқдорига тегишли тузатиш киритиши лозим. Бундай тузатиш киритишни белгилашда ушбу Битимнинг бошқа қоидаларига эътибор берилиши лозим ва Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари зарур бўлган тақдирда бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашувларни бошлашлари лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлат унинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддат тугагандан кейин 2-бандда кўрсатилган ҳолатлар бўйича корхонанинг фойда суммасини ўзгартирмайди.

4. 2-банд қоидалари солиқ қаллобликларига татбиқ этилмайди.

10-модда

Дивидендлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, ушбу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унда шу тарзда ундириладиган солиқнинг миқдори:

а) дивидендлар умумий миқдорининг 7 фоизидан ошмаслиги керак, агар ҳақиқий эга компания капиталининг ҳеч бўлмаганда 25 фоизига эга бўлган дивиденд тўлайдиган компания (ширкатдан ўзгача) бўлса;

б) бошқа барча ҳолатларда 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Бу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасининг солиққа тортилишига дахл қилмайди.

3. «Дивидендлар» атамаси шу моддада қўлланилганда, акциялардан олинadиган ёки акциялардан фойдаланишдан ёки ҳуқуқлардан фойдаланиш, тоғ-кон саноати акцияларидан, муассисларнинг акцияларидан ёки қарз талаблари бўлмаган, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания ре-

зиденти бўлган Давлатнинг қонунларига мувофиқ акциялардан олинадиган даромадни англатади.

4. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий базадан мустақил шахсий хизматлар кўрсатса ва холдингга нисбатан тўланадиган дивидендлар аслида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, шароитга қараб 7- ёки 14-моддалар қоидалари қўлланилади.

5. Агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендлардан солиқ олмаслиги мумкин, бундай дивидендларнинг ана шу бошқа Давлат резидентига тўланиши ёки холдингга нисбатан тўланадиган дивиденд шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан солиқлар олинмайди.

11-модда **Фоизлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аммо бундай фоизлар ҳосил бўлган ушбу Аҳдлашувчи Давлатда шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо фоизларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бу ҳолда солиқнинг миқдори фоизлар умумий миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ипотека таъминотидан ҳамда қарздорнинг фойдасида иштирок этиш ҳуқуқидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарзларни талаб қилишдан олинадиган даромадни ва, хусусан, ҳукумат қимматли қоғозларидан даромадни ҳамда облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан даромадни, шу жумладан, ушбу қимматли қоғозлар, облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган мукофотлар ва ютуқларни билдиради. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар (неустойкалар) ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

4. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб, доимий муассаса орқали фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база орқали тижорат фаолиятини олиб бораётган бўлса ёки мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабномаси шун-

дай доимий муассасага ёки доимий базага ҳақиқатан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-банд қоидалари қўлланмайди. Бу ҳолда шароитга қараб 7-модда ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Фоизларни тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг ўзи, маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимияти ёхуд резиденти бўлса, фоизлар ушбу Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ фоизларни тўловчи шахс, Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлиб, шу туфайли қарзлар бўйича фоизларни тўлаш мажбурияти вужудга келган ва бундай фоизларни тўлаш бўйича харажатлар ана шу доимий муассаса ёки доимий база томонидан тўланадиган бўлса, бу ҳолда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган, деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан фоизлар ҳуқуқига амалда эга бўлган шахс ўртасида ёки уларнинг иккаласи билан қандайдир бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида қарз талабномасига нисбатан тўланаётган фоизлар миқдори тўловчи ва фоизлар ҳуқуқига амалда эга шахс ўртасида келишилган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда тўловнинг ортиқча қисми ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инobatга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ аввалгидек солиққа тортилади.

7. Агар бундай яратиш ёки ўтказиш орқали ушбу модда имтиёзларидан фойдаланиш унга нисбатан фоизлар тўланадиган қарз мажбуриятларини юзага келтириш ёки ўтказишда иштирок этувчи шахслардан ҳар бири учун асосий мақсад ёки асосий мақсадлардан бири бўлса, ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

12-модда **Роялтилар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ роялтилар улар ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам ана шу Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо роялтининг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шу тарзда олинадиган солиқ роялтилар ялпи миқдорининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ҳар қандай адабиёт, санъат ёки фан асарларидан, шу жумладан, кинофильмлар, радиоэшиттиришлар ва телевидение кўрсатувлари учун ёзувлар ва ҳар қандай патент, товар белгиси, чизмалар ёки моделлар, схема, махфий формула ёки жараёнлар ёхуд ҳар қандай саноат, тижорат ёки илмий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун ёки саноат, тижорат ёки

илмий тажрибага оид ахборот учун мукофот сифатида олинган ҳар қандай турдаги тўловларни англатади.

4. Агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини юритаётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга оширса ва роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк амалда шундай доимий муассаса ёки доимий базага боғлиқ бўлса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда вазиятга қараб 7- ёки 14-моддалар қоидалари қўлланилади.

5. Агар тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг ўзи, маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмаси, маҳаллий ҳокимияти ёхуд шу Давлат резиденти бўлса, роялти шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бирок, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти зиммасига тушган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса ҳамда тўловлар бўйича харажатларни тўлаш шу доимий муассаса ёки доимий база зиммасида бўлса, бундай роялтилар доимий муассаса ёки база жойлашган шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан роялтининг ҳақиқий эгаси ўртасидаги ёки уларнинг иккови билан бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида роялтининг фойдаланиш, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ахборот учун тўланган миқдори бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда тўловчи ва роялтининг ҳақиқий эгаси ўртасида келишилган миқдордан ошиқ бўлса, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми аввалгидек ушбу Битимнинг бошқа қоидалари инобатга олинган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

13-модда

Капитал қийматининг ўсишидан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда 6-моддада кўрсатилган кўчмас мулкни тасарруф этишдан олинадиган даромадлар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси хизмат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни тасарруф этишдан олган ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишда бемалол фойдаланиши мумкин бўлган, жумладан доимий базага тааллуқли кўчар мулкни тасарруф этишдан олган даромадлари, шу доимий муассаса (алоҳида ёки корхона билан бирга) ёки шундай доимий базани тасарруф этишдан олган даромади ҳам қўшилиб ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро ташишлардаги денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки авто-

мобиль транспорти воситалари, ички сув транспортида фойдаланиладиган дарё кемалари ёки ушбу денгиз, ҳаво ва дарё кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларини эксплуатация қилишга дахлдор бўлган кўчар мулкни тасарруф этишдан олинган даромадлар фақат корхонани бошқаришнинг амалдаги органи жойлашган ана шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган, мол-мулки асосан бевосита ёки билвосита кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган компаниянинг акциялари ёки акциядорлик капиталини тасарруф этишдан олинган даромадлар ушбу Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган, компаниянинг ҳеч бўлмаганда 25 фоиз акцияси билан иштирок этган, 4-бандда эслатиб ўтилгандан бошқа акцияларни тасарруф этишдан тушган даромадлар шу Давлатда солиққа тортилади.

6. Ушбу модданинг 1, 2, 3, 4 ва 5-бандларида қайд этилмаган ҳар қандай бошқа мол-мулкни тасарруф этишдан олинадиган даромадлар мол-мулкни тасарруф этаётган шахс резиденти ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

14-модда

Мустақил шахсий хизматлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти касбий хизматлар кўрсатишдан ёки бошқа мустақил турдаги фаолиятдан олган даромад фақат ана шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин, унда бу даромад бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам, қўйидаги ҳолатлардан ташқари солиққа тортилиши мумкин:

а) агар у ушбу хизматларни тақдим этиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўзи учун мунтазам қулай бўлган доимий базага эга бўлса; бундай ҳолда даромаднинг фақат шундай доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин; ёки

б) агар унинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлиши молия йилида бошланаётган ёки тугаётган ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошувчи давр ёки даврлар мобайнида давом этса; бундай ҳолларда даромаднинг фақат бошқа Давлатдаги фаолиятдан олинган қисмигина ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, хусусан, мустақил илмий, адабий, бадий, таълимий ва ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек шифокорлар, юристлар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва бухгалтерларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

15-модда

Ёллаш билан боғлиқ шахсий хизматлар

1. 16, 18 ва 19-моддалар қоидаларини ҳисобга олиб, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёллаш бўйича ишлашдан оладиган маоши, иш ҳақи ва ёллаш муносабати билан олинган шу каби ҳақлар қиймати фақат ана шу

Давлатда солиққа тортилиши мумкин, агар ёллаш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаган бўлса. Агар ёлланма иш шу тариқа бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган ҳақ ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банднинг қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма хизматлари учун оладиган ҳақлари фақат биринчи эслатилган Давлатда солиққа тортилади, агар:

а) ҳақ олувчи бошқа Давлатда назарда тутилаётган молиявий йилда бошланаётган ёки тугаётган исталган ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлса, ва

в) ҳақ ёлловчи томонидан ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи номидан тўланса, ва

с) ёлловчи бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ҳақ тўлаш бўйича харажатларни қопламаса.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларида амалга ошириладиган ёки ички сув транспортида фойдаланиладиган дарё кемасидаги ёлланма иш учун оладиган ҳақлар фақат корхонанинг амалдаги бошқарув органи жойлашган Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

16-модда

Директорларнинг гонорарлари ва юқори бошқарув даражасидаги ходимларнинг ҳақлари

Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компаниянинг Директорлар Кенгаши аъзоси сифатида ёки юқори бошқарув ходими лавозими сифатида оладиган директорлар гонорарлари ва бошқа шунга ўхшаган тўловлари ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда.

Санъат ходимлари ва спорт арбоблари

1. 14 ва 15- моддалар қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спорт арбоби сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолиятдан олинадиган даромади шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спорт арбоби амалга оширадиган шахсий фаолиятга нисбатан даромад санъат ходими ёки спорт арбобининг ўзига эмас, бошқа шахсга ёзилган тақдирда, 7, 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, ушбу даромад санъат ходими ёки спорт арбоби фаолият кўрсатган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Агар шу Давлатга бўлган ташриф тўлалигича бошқа Аҳдлашувчи

Давлатнинг ижтимоий жамғармалари, маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан маблағ билан таъминланса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлатда санъат ходими ёки спортчи томонидан амалга оширилаётган фаолиятдан олинадиган даромадга дахл қилмайди. Бундай ҳолда, даромад фақат ушбу санъат ходими ёки спорт арбоби резидент бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

18-модда. Пенсиялар

19-модда 2-бандининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, Аҳдлашувчи Давлат резидентига илгари ёлланиб ишлагани учун компенсация сифатида тўланадиган пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш пул мукофотлари фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

19-модда. Ҳукумат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жисмоний шахсга ана шу Давлатга ёки унинг маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматлари учун тўланадиган иш ҳақи, маошлар ва бошқа шу каби пул мукофотлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин, пенсия эса бундан мустасно;

б) бироқ, бундай иш ҳақи, маошлар ва бошқа шу каби ҳақлар, агар хизмат бу бошқа Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс шу Давлатнинг резиденти бўлса, яъни:

i) шу Давлатнинг миллий шахси бўлса, ёки

ii) шу хизматни амалга ошириш мақсадидагина ана шу Давлат резиденти бўлмаган бўлса, фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

2. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмалар ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ёки улар тузган жамғармалардан шу Давлатга ёки бўлинмага ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматлари учун жисмоний шахсга тўланадиган ҳар қандай пенсия фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади;

б) бироқ, бундай пенсия фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда, агар жисмоний шахс ана шу Давлатнинг резиденти ва миллий шахси бўлса, солиққа тортилади.

3. 15, 16 ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятлари муносабати билан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан тўланадиган маошлар, иш ҳақи ва шу каби бошқа пул мукофотлари ва пенсияларга нисбатан қўлланади.

20-модда **Ўқитувчилар ва тадқиқотчилар**

1. Аҳдлашувчи Давлатга ушбу Давлатнинг университети, коллежи, мактаби ёки бошқа таълим муассасасига дарс бериш ёки илмий фаолиятни амалга ошириш мақсадида келадиган ва ташриф арафасида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланадиган ёки бунгача ҳисобланган шахс, башарти ҳақни ушбу Давлатдан ташқарида олган бўлса, ушбу мақсадлар учун биринчи ташрифи санасидан бошлаб икки йилдан ошмайдиган муддат мобайнида бундай дарс бериш ёки илмий фаолият учун пул мукофотига солиқ солинишидан озод этилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидалари жамият манфаатлари учун эмас, балки алоҳида шахс ёки шахсларнинг хусусий фойда олиши мақсадида амалга ошириладиган илмий фаолиятдан олинadиган даромадларга нисбатан қўлланмайди.

21-модда **Талабалар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатга бевосита келгунга қадар бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентлари бўлиб турган ёки бўлган ва айтиб ўтилган биринчи Давлатда фақат ўқиш ёки таълим олиш мақсадида турган талаба, амалиётчи ёки тажриба орттирувчи томонидан олинadиган ва яшаш, ўқиш ёки таълим олиш учун мўлжалланган тўловлар ушбу Давлатда, агар бундай тўловлар шу Давлатдан ташқаридаги манбалардан вужудга келса, солиққа тортилмайди.

2. 1-бандда кўрсатилмаган дотациялар, стипендиялар ва ёлланиб ишладан олинadиган пул мукофотларига нисбатан 1-бандда айтиб ўтилган талаба ёки тажриба орттирувчи кўшимча равишда бундай таълим олиш ёки ўқиш вақтида, агар расмий ўқув дастурлари бўйича мунтазам ўқиш даври мобайнида иш билан банд бўлганлик учун тўланадиган ҳақларга нисбатан ҳеч қандай солиқлардан озод этишлар бўлмаса, улар ташриф буюрадиган Аҳдлашувчи Давлат резидентларидан олинadиган солиқлардан озод бўлиш ва солиқ чегирмалари ҳуқуқига эга.

22-модда **Бошқа даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромади турлари, уларнинг қаерда вужудга келишидан қатъи назар, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банд қоидалари 6-модданинг 2-бандида белгиланган кўчмас мулкдан олинган даромадлардан ташқари даромадларга нисбатан, агарда бундай даромадлар олувчи бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки шу бошқа Давлатда, унда жойлашган доимий базадан мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса

хамда даромад тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғланган бўлса қўлланмайди. Бу ҳолда 7-модда ва 14-модданинг қоидалари вазиятга қараб қўлланади.

3. 1- ва 2-бандлар қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида сўз юритилмаган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келадиган даромади турлари шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

IV боб. Икки ёқлама солиққа тортишни баргараф этиш

23-модда

Икки ёқлама солиққа тортишни баргараф этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олаётганда, айтиб ўтилган биринчи Давлат мазкур резидентнинг даромадидан олинadиган солиқдан ушбу бошқа Давлатда тўланган даромад солиғига тенг суммани чегириб ташлашга рухсат бериши лозим.

Бундай чегирмалар ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромадга тегишли чегириб олишга қадар ҳисоблаб чиқилган даромад солиғининг қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Ушбу Битимнинг бирон-бир қоидасига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлат резиденти олган даромад ёки эга бўлган мол-мулк шу Давлатда солиққа тортишдан чиқариб ташланган бўлса, бу Давлат, шунга қарамай, бу резидентнинг даромади ёки мол-мулкининг қолган қисмига солинадиган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқишда даромадга солиқ солишдан чиқариб ташланган суммани ҳисобга олиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ ушбу Битим билан қамраб олинadиган солиқлар инвестицияларни жалб этиш бўйича муайян махсус чора-тадбирларга асосан тўлашдан озод этилса ёки камайтирилса, ушбу Битимга биноан тўланиши лозим бўлган, лекин тўлашдан озод этилган ёки камайтирилган бундай солиқлар 1-банд мақсадлари учун тўланган ҳисобланади.

V боб. Махсус қоидалар

24-модда

Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий шахслари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда шу бошқа Давлат миллий шахсларига айнаи бир хил шароитларда, хусусан резидентликка нисбатан солинаётган ёки солиниши мумкин бўлган солиқлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятларга қараганда оғирроқ бўлган ҳар қандай солиқ ёки у билан боғлиқ мажбуриятга тортилмайдилар. Ушбу қоида, шунингдек 1-модда қоидаларидан қатъи назар, бир ёки ҳар икки Аҳдлашувчи Давлат резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлатнинг худди шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарини солиққа тортишдан кўра оғирроқ бўлмайди. Ушбу қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни у ўз резидентларига уларнинг фуқаролик ҳолати ёки оилавий мажбуриятлари асосида солиққа тортиш бўйича бирор имтиёзлар, озод этишлар ва чегирмаларни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларига тақдим этишга мажбур қилувчи тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 6-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланган ҳоллардан ташқари, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига, бундай корхонанинг солиққа тортиладиган даромадини аниқлаш мақсадида тўланадиган фоизлар, роялти ва бошқа бадаллар, улар эслатиб ўтилган биринчи Давлат резидентига қандай тўланса, худди шундай шартларга мувофиқ чегириб ташланади.

4. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг капитали бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки ундан кўп резидентларига тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ёхуд улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган корхоналарига эслатиб ўтилган биринчи Давлатда шу Аҳдлашувчи Давлатнинг шунга ўхшаш корхоналари тортилган ёки тортилиши мумкин бўлган солиқлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятлардан оғирроқ ҳар қандай солиқлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятларга тортилмайди.

5. Ушбу моддада «солиқ солиш» атамаси ушбу Битим предмети бўлган солиқларни англатади.

25-модда

Ўзаро келишув таомили

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг ёки ҳар иккисининг ҳаракатлари унга ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бўлмаган солиққа тортишга олиб келяпти ёки олиб келади деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини у резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки, агар унинг ҳолати 24-модданинг 1-бандига мувофиқ келса, у миллий шахси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Битим қоидаларига номувофиқ солиққа тортишга олиб келувчи ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган кундан бошлаб 3 йил мобайнида тақдим этилиши лозим.

2. Ваколатли орган, агар у эътирозини асосли деб топса ва унинг ўзи қониқтирувчи қарорга кела олмаса, ушбу Битимга мос келмайдиган солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишув бўйича масалани ҳал этишга интилади. Ҳар қандай эришилган келишув Аҳдлашувчи Давлатларнинг ички қонун ҳужжатларидаги бирор вақтинчалик чеклашларга қарамай бажарилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ёки ик-

киланишларни ўзаро келишув бўйича ҳал этишга интиладилар. Улар шунингдек ушбу Битимда назарда тутилмаган ҳолларда икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш мақсадида бир-бири билан маслаҳатлашувлар олиб бориши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари Битимнинг олдинги моддалари жиҳатидан келишувга эришиш мақсадида бир-бири билан бевосита алоқа боғлаши мумкин. Ваколатли органлар маслаҳатлашувлар ёрдамида ушбу моддада назарда тутилган ўзаро мувофиқлаштириш таомилларини бажариш учун тегишли икки томонлама таомиллар, шартлар, йўллар ва техник усулларни ривожлантирадилар.

26-модда **Имтиёзларнинг чекланиши**

Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан маслаҳатлашувдан сўнг ушбу Битимдан келиб чиқувчи ёки, унинг фикрича бундай имтиёзларни тақдим этиш ушбу Битимни суиистеъмол қилишга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ишга доир имтиёзлардан воз кечиши мумкин.

27-модда **Ахборот алмашиш**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини бажариш ёки бошқариш ёки Аҳдлашувчи Давлатлар, уларнинг маъмурий-ҳудудий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ушбу Битимга зид бўлмаган солиқ солиш даражасида ундириладиган ҳар қандай турдаги ва тавсифдаги солиқларига тааллуқли ички қонунчиликни қўллаш учун олдиндан муҳим бўлган маълумотлар билан алмашадилар. Маълумот алмашиш 1- ва 2-моддалар билан чекланиб қолмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири томонидан 1-бандга биноан олинган ҳар қандай маълумот ушбу Давлат ички қонунчилигига мувофиқ олинган маълумот қай даражада махфий бўлса шунча махфий ҳисобланади ва фақат баҳолаш ёки тўплаш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш ёхуд 1-бандда эслатиб ўтилган солиқларга доир апелляцияларни кўриб чиқиш, юқорида кўрсатиб ўтилганларнинг барчасини назорат қилиш билан машғул бўлган шахслар ва органларга (шу жумладан, судлар ва маъмурий органларга) маълум қилинади. Бундай шахслар ёки органлар ушбу маълумотдан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланишлари лозим. Улар ушбу маълумотни очиқ суд мажлисида ёки суд қарорларида ошкор қилишлари мумкин.

3. Ҳеч қандай ҳолатда ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлар зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юқловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги ва маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий тадбирларни ўтказиш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиёт чоғида олинishi мумкин бўлмаган маълумотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сири ёки савдо жа-раёнини ошкор қилувчи маълумотни ёки очилиши давлат сиёсатига (ordre public) зид келиши мумкин бўлган маълумотни тақдим этиш.

28-модда

Дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консулхоналар хизматчилари

Ушбу Битимнинг ҳеч бир қондаси дипломатик миссиялар ходимлари ёки консуллик муассасалари хизматчиларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий нор-маларига ёки махсус битимлар қондаларига мувофиқ берилган солиқ имти-ёзларига дахл қилмайди.

29-модда

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш

Ушбу Битим қондалари Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳеч бирига, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга кўмаклашувчи ички қонунчи-лик қондаларини, хусусан капиталлаштириш, трансферт нархлар ва бошқа-лар бўйича қўллашга тўсқинлик қилмайди.

VI боб. Яқуний қондалар

30-модда

Кучга кириши

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳар бири ички қонунчиликка мувофиқ талаб этиладиган ушбу Битимнинг кучга кириш таомили яқунлангани тўғри-сида дипломатик каналлар орқали бир-бирини хабардор қилади. Ушбу Би-тим охириги шундай хабарнома олинган куни кучга киради ва шундан кейин қуйидагиларга нисбатан амал қилади:

а) ушбу Битим кучга кирган йилдан кейин келувчи календарь йилнинг биринчи январида ёки ундан кейин олинадиган даромадлар манбаидан ун-дириладиган солиқларга нисбатан; ва

б) ушбу Битим кучга кирган йилдан кейин келувчи календарь йилнинг биринчи январида ёки ундан кейин бошланадиган солиқ йиллари давомида даромад солиқларига нисбатан.

31-модда

Амал қилишнинг тўхтатилиши

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатлардан бири унинг амал қилишини тўхтатмагунча кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Битим кучга кирадиган санадан бошлаб беш йил ўтгандан кейин келувчи исталган ка-лендарь йилнинг тугашидан камида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали амал қилишнинг тўхтатилиши тўғрисида хабарнома юбориш йўли Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин.

Ушбу ҳолатда Битимнинг амал қилиши:

а) амал қилишни тўхтатиш тўғрисидаги хабарнома топширилган йилдан кейин келувчи календарь йилнинг биринчи январида ёки ундан кейин олинадиган даромадлар манбаидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) амал қилишни тўхтатиш тўғрисидаги хабарнома топширилган календарь йилнинг биринчи январида ёки биринчи январдан кейин бошланадиган солиқ йиллари давомида даромадлардан олинадиган бошқа солиқларга нисбатан.

Тегишли тартибда ваколат берилган қўйидаги имзо чекувчилар, шунга гувоҳлик бериб, ушбу Битимни имзоладилар.

Амман шаҳрида 2010 йил 22 ноябрда, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоқи
билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти ўртасида
Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи Делегациясини
таъсис этиш, унинг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 24 январь, Брюссель

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
31 майдаги ПҚ-1543-сон қарори билан тасдиқланган*

*(2011 йил 21 июлдан кучга кирган)**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоқи билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти, бундан кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилиб,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Европа Иттифоқи Делегациясини

* Европа Иттифоқининг 2011 йил 21 июлдаги хати.

таъсис этиш ва шунингдек ушбу Делегациянинг имтиёз ва иммунитетларини расмийлаштириш шартларини белгилаб олиш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўз ҳудудида бундан кейинги ўринларда «Делегация» деб аталувчи Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этишга розилик билдиради.

2-модда

1. Европа Иттифоқи ва Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқ субъектчилигидан фойдаланадилар.

2. Европа Иттифоқи ва Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги талабларига мувофиқ шартномалар тузиш, ўз вазифаларини самарали бажариш учун керак бўлган кўчмас ва кўчар мулкка эга бўлиш ва тасарруф этиш, процессуал жараёнларни амалга ошириш ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар ва шу мақсадларда Делегация Раҳбари орқали намоён этиладилар.

3-модда

1. Делегация, унинг Раҳбари ва ходимлари, шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясида белгиланган ва тегишлича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, уларнинг раҳбарлари, ходимлари ва шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзоларига бериладиган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўладилар.

2. 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясининг бошқа қоидалари *mutatis mutandis* шарти билан қўлланилади.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлар Европа Иттифоқи тўғрисидаги Шартномага, Европа Иттифоқининг фаолияти тўғрисидаги Шартнома ҳамда Европа Атом Энергияси Ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага илова қилинган Европа Иттифоқи имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги 7 Протоколнинг 16-моддаси қоидаларига мувофиқ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Ўзбекистон Республикасининг Миссияси, унинг Раҳбари ва ходимлари ва шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзоларига худди шу ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетларни тақдим этилиши шарти билан қўлланилади.

4-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки резидентлари (жисмоний шахслари) ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доим яшайдиган Делегация ходимлари Ўзбекистон Республикаси 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ шу тоифа-

даги дипломатик ваколатхоналар ходимлари учун тақдим этадиган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

5-модда

1. Ушбу билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Европа Иттифоқи ўз муассасаларининг мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларига берадиган хизмат паспортини (laissez-passer) сафар қилиш ҳуқуқини берувчи тўлақонли ҳужжат сифатида тан олади.

2. Сафар қилиш ҳуқуқини берувчи янги ҳужжат жорий қилинган ёки амалдаги хизмат паспортларига ўзгартишлар киритилган тақдирда улар жорий этилишидан ўттиз кун илгари Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини хабардор қилади ва дипломатик каналлар орқали янги ёки ўзгартирилган ҳужжатларнинг намуналарини тақдим қилади.

6-модда

Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена конвенциясига мувофиқ Делегация Раҳбари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабарномалар юбориш орқали Делегация ходимларининг сони, исмлари ва фуқароликлари тўғрисида доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини хабардор қилиб туради.

7-модда

Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена конвенциясига мувофиқ имтиёз ва иммунитетлар Делегация Раҳбари ва ходимларига фақат Европа Иттифоқи манфаатлари учун тақдим этилади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шахсий манфаати йўлида профессионал ёки тижорат фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

8-модда

Ушбу Битимни талқин қилиш билан боғлиқ барча низолар Томонлар ўртасида келишувга эришиш мақсадида ўтказиладиган музокаралар орқали ҳал этилади.

9-модда

Ушбу Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига кўра алоҳида Протоколлар шаклида расмийлаштириладиган ва Битимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10-модда

1. Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб вақтинча қўлланилади ва Европа Иттифоқи ва Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида унинг кучга кириши учун кўзда тутилган амалларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги билдиришнома қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ушбу Битим ноаниқ муддатга тузилади ва Томонлардан бири Битимнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни хабардор этганидан олти ой ўтгач ўз кучини йўқотади.

ЮҚОРИДАГИЛАРНИ ТАСДИҚЛАБ, имзо чекиш ҳуқуқига қонунан эга бўлган қуйидаги шахслар мазкур Битимни ўзбек ва инглиз тилларидаги тенг кучга эга икки нусхада имзоладилар.

Брюссель шаҳрида 2011 йил 24 январда имзоланди.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон
Ҳукумати ўртасида савдо ваколатхоналарини ўзаро
таъсис этиш тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 5 май, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
19 июлдаги ПҚ-1581-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 25 июлдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

хар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қўмаклашишни истаб,

ўз давлатлари иқтисодиётининг дунё хўжалик тизимига интеграциялашувига интилиб,

ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон миллий қонунчиликларига риоя этган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 300-модда.

** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 25 июлдаги 05/22682-сон Нотаси.

Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 10 июндаги 05/3089-сон Нотаси. Туркменистон Президентининг 2011 йил 3 июндаги 11660-сон қарори.

1-модда

Ўзбек Томони Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо ваколатхонасини таъсис этади, Туркман Томони эса Тошкент шаҳрида Туркманiston Савдо ваколатхонасини таъсис этади.

2-модда

Савдо ваколатхоналари қуйидаги асосий вазифаларни бажарадилар:

а) Ўзбекистон Республикаси билан Туркманiston ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) жойлашиш мамлакатада икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турларига тааллуқли барча масалаларда ўз давлатларининг манфаатларини ифодалаш;

в) ўз мамлакатаи давлат органларини жойлашиш мамлакатаидаги иқтисодий шароитлар ва унинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилиги тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек жойлашиш мамлакатининг манфаатдор органларига ўз мамлакатаи тўғрисида шундай ахборот тақдим этиш;

г) ўз мамлакатларининг юридик ва жисмоний шахсларига уларнинг жойлашиш мамлакатининг юридик ва жисмоний шахслари билан савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича алоқалар ўрнатиши ва битимларни амалга оширишида ёрдам кўрсатиш.

3-модда

Савдо ваколатхоналари ўз мамлакатларининг Ҳукуматлари номидан иш кўради ва бошқа Томон давлатидаги ўз давлати элчихонасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Савдо вакили ва унинг ўринбосарлари, шунингдек савдо ваколатхонасининг маъмурий-техник персонали умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда чет эл дипломатик ваколатхоналарининг дипломатик ва маъмурий-техник персонали аъзоларига нисбатан ўрнатилган имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

Савдо ваколатхонасининг хизмат ва турар жой бинолари, унинг мол-мулки ва архивлари халқаро ҳуқуққа мувофиқ дипломатик ваколатхоналарнинг хизмат ва турар жой бинолари, мол-мулки ва архивларига берилган иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланади.

Савдо реестри тўғрисидаги қоидалар Томонларнинг Савдо ваколатхонасига нисбатан татбиқ қилинмайди.

4-модда

Савдо ваколатхоналарининг таъсис этилиши Ўзбек ва Туркман жисмоний ва юридик шахсларининг, хусусан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш билан боғлиқ битимларни тузиш ва бажариш мақсадида бир-бири билан бевосита муносабатларда бўлиш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

Савдо ваколатхоналари жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурият-

лари бўйича жавобгар бўлмайди, жисмоний ва юридик шахслар эса савдо ваколатхоналарининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

5-модда

Савдо ваколатхоналарининг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатлар Томонлар давлатларидан ҳар бирининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ улар томонидан молиялаштирилади.

6-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда Томонлар ўртасида юзага келган баҳс ва ихтилофлар маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Савдо ваколатхоналари Томонлар давлатларининг ёки учинчи мамлакатларнинг фуқаролари орасидан хизматчиларни ёллашлари ва бундай хизматчиларга ўз давлатининг қонунчилиги асосида меҳнат ҳақи тўлашлари мумкин.

Шу билан бирга Савдо ваколатхонаси жойлашиш давлатининг қонунчилигида кўзда тутилган ижтимоий кафолатларнинг энг кичик даражасини таъминлайди.

9-модда

Ушбу Битим Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарномаси олинган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим бир Томон унинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисидаги бошқа Томоннинг расмий хабарномасини олган кундан бошлаб олти ой тугагунга қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 5 майда ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил юридик кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Туркменистана о взаимном учреждении
торговых представительств

Ташкент, 5 мая 2011 года

*Утверждено постановлением Президента Республики
Узбекистан от 19 июля 2011 года № ПП-1581**

*(Вступило в силу 25 июля 2011 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Туркменистана, именуемые в дальнейшем Стороны,
желая содействовать развитию торгово-экономических отношений между обеими странами,
стремясь к интегрированию экономики своих государств в мировую хозяйственную систему,
руководствуясь общепризнанными нормами и принципами международного права и национальными законодательствами Республики Узбекистан и Туркменистана,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Узбекская Сторона учреждает в г. Ашхабаде Торговое представительство Республики Узбекистан, а туркменская Сторона учреждает в г. Ташкенте Торговое представительство Туркменистана.

Статья 2

Торговые представительства будут выполнять следующие основные функции:

- а) содействовать развитию торгово-экономических связей между Республикой Узбекистан и Туркменистаном;
- б) представлять интересы своих государств в стране пребывания во всех вопросах, касающихся торговли и других видов экономического сотрудничества между двумя странами;
- в) информировать государственные органы своей страны об экономических условиях в стране местонахождения и ее законодательстве в области внешнеэкономической деятельности, а также предоставлять такую информацию о своей стране заинтересованным органам страны местонахождения;

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., № 29, ст. 300.

** Нота МИД Республики Узбекистан от 25 июля 2011 года № 05/22682.

Нота МИД Туркменистана от 10 июня 2011 года № 05/3089. Постановление Президента Туркменистана от 3 июня 2011 года № 11660.

г) оказывать содействие юридическим и физическим лицам своих стран в установлении контактов и осуществлении ими сделок в области торговли, экономического и научно-технического сотрудничества с юридическими и физическими лицами страны пребывания.

Статья 3

Торговые представительства действуют от имени Правительств своих стран и являются составной частью посольства своего государства в государстве другой Стороны.

Торговый представитель и его заместители, а также административно-технический персонал Торгового представительства пользуются привилегиями и иммунитетами, которые установлены общепризнанными международными актами в отношении членов дипломатического и административно-технического персонала иностранных дипломатических представительств.

Служебные и жилые помещения Торгового представительства, его имущество и архивы пользуются иммунитетами и привилегиями, признанными согласно международному праву за служебными и жилыми помещениями, имуществом и архивами дипломатических представительств.

Торговое представительство Сторон не подлежит правилам о торговом реестре.

Статья 4

Учреждение Торговых представительств не затрагивает прав туркменских и узбекских физических и юридических лиц поддерживать прямые отношения друг с другом, в частности, в целях заключения и исполнения сделок, связанных с осуществлением торгово-экономического и научно-технического сотрудничества.

Торговые представительства не отвечают по обязательствам физических и юридических лиц своих государств, а физические и юридические лица не отвечают по обязательствам Торговых представительств.

Статья 5

Расходы, связанные с деятельностью Торговых представительств финансируются Сторонами в соответствии с действующим законодательством государства каждой из Сторон.

Статья 6

Споры и разногласия между Сторонами относительно толкования и применения положений настоящего Соглашения решаются путем консультаций и переговоров.

Статья 7

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть

внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися его неотъемлемыми частями.

Статья 8

Торговые представительства могут нанимать служащих из числа граждан государств Сторон или третьих стран и осуществлять оплату труда таких служащих на основе законодательства своего государства.

При этом Торговое представительство обеспечивает минимальный уровень социальных гарантий, предусмотренных законодательством государства пребывания.

Статья 9

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для вступления его в силу.

Настоящее Соглашение действует до истечения шести месяцев со дня получения одной Стороной официального уведомления другой Стороны о своем намерении прекратить действие настоящего Соглашения.

Совершено в городе Ташкенте 5 мая 2011 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую юридическую силу.

Для целей толкования положений настоящего Соглашения используется текст на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон
Ҳукумати ўртасида илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 5 май, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
19 июлдаги ПҚ–1581-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 25 июлдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркменистон Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фан, техника ва ахборот соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Битимга амал қилиб,

Томонлар давлатлари фани, техникаси ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-технологик соҳадаги кўшма инновацион фаолиятга давлат ёрдами зарурлигини эътироф этиб, инновациялар ва технологик тараққиёт соҳасида икки томонлама алоқаларнинг муҳим эканини англаб, уларни иккала давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ва зарур омил деб ҳисоблаб,

бундай ўзаро алоқалар давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатишига, шунингдек ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун узоқ муддатли асос яратишига қатъий ишонган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаат принциплари асосида ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ илмий-технологик соҳадаги ҳамкорликни амалга оширадилар.

2-модда

Томонлар ўртасидаги илмий-технологик ҳамкорлик уларнинг миллий манфаатлари асосида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

— илмий-технологик соҳа — дастурлар, лойиҳалар ва уларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 300-модда.

** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 25 июлдаги 05/22682-сон Нотаси.

Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 10 июндаги 05/3089-сон Нотаси. Туркменистон Президентининг 2011 йил 3 июндаги 11660-сон қарори.

— энергетика, шу жумладан энергиядан самарали фойдаланиш, тикланадиган энергия манбалари ва янги технологиялар;

— қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

— фан, технологиялар ва муҳандис-конструкторлик ишлари соҳасидаги ҳамкорликнинг бошқа ўзаро келишилган йўналишлари.

3-модда

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

— чуқур илм талаб қиладиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни яратиш ва ўзлаштириш бўйича биргаликдаги илмий-тадқиқот дастурларини, лойиҳаларини амалга ошириш;

— очиқ илмий-техникавий маълумот ва инновацион технологияларни алмашиш;

— биргаликдаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш;

— илмий тадқиқотлар ва саноат ишланмаларини амалга ошириш учун олимлар ва мутахассисларни алмашиш;

— техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш;

шунингдек, Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича бошқа шаклларда.

4-модда

Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилигига, шунингдек Томонларнинг улар иштирокчилари бўлган интеллектуал мулк бўйича халқаро шартномалар ва битимлардан келиб чиқувчи мажбуриятларига тегишлича риоя этган ҳолда саноат ишланмалари ва янги технологиялар соҳасида биргаликдаги инновацион фаолиятни рағбатлантирадилар.

Ушбу мақсадда тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини жорий этиш ва биргаликда ўзлаштиришдан манфаатдор бўлган илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатиш қўллаб-қувватланади.

5-модда

Томонлар ўзлари ва уларнинг вакиллари томонидан ушбу Битим асосида олинган илмий, муҳандис-конструкторлик ва технологик маълумотларни бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз ҳар қандай учинчи томонга бермаслик мажбуриятини олади.

Ушбу Битим доирасида ҳамкорлик давомида олинган биргаликдаги илмий тадқиқотлар натижалари ва бошқа маълумотлар, давлат ёки бошқа қонун муҳофазасидаги сир ҳисобланиши сабабларига, шунингдек тижорат ёки ишлаб чиқариш сабабларига кўра ошкор қилиниши мумкин бўлмаганлардан ташқари, ўзаро келишув бўйича уларни топширишнинг ҳаммага маъқул усулларида фойдаланиш йўли билан ва Томонлар давлатларининг амалда-

ги миллий қонунчилигига мувофиқ дунё илмий жамоатчилиги учун очилиши мумкин.

6-модда

Ушбу Битим қоидаларини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун қуйидагилар Томонларнинг ижроия органлари бўлиб ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси;

Туркменистон томонидан — Туркменистон Фанлар академияси.

Ваколатли органларнинг номлари ёки вазифалари ўзгарганда Томонлар дипломатик каналлар орқали ўз вақтида хабардор қилинади.

7-модда

Томонларнинг ижроия органлари, заруриятга қараб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу Битимни амалга ошириш ҳамда биргаликдаги лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш жараёнини муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказадилар, шунингдек ўзаро аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

8-модда

Томонлар ўртасида ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашга тааллуқли ихтилофлар юзага келганда, Томонлар уларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этадилар.

9-модда

Ушбу Битим Томонлар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

10-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

11-модда

Ушбу Битим Томонлар тарафидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида фан, техника ва ахборот соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1996 йил 16 январдаги Битимнинг 3-моддаси 2 ва 5-хатбошилариининг қоидалари ўз кучини йўқотади.

Ушбу Битим беш йил муддатга тузилади ва агар Томонлардан ҳеч бири навбатдаги беш йиллик давр тугашидан камида олти ой олдин бошқа То-

монга ўзининг ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида ёзма хабарнома юбормаса, келгуси беш йиллик даврларга узайтирилади.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 5 майда ҳар бири ўзбек, туркман ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда рус тилидаги матн устувор кучга эга бўлади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Туркменистана о научно-технологическом
сотрудничестве

Ташкент, 5 мая 2011 года

Утверждено постановлением Президента Республики
*Узбекистан от 19 июля 2011 года № ПП-1581**

*(Вступило в силу 25 июля 2011 года)***

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Туркменистана, именуемые в дальнейшем Сторонами,

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о сотрудничестве в области науки, техники и информации от 16 января 1996 года,

признавая необходимость государственной поддержки совместной инновационной деятельности в научно-технологической сфере по приоритетным направлениям развития науки, техники и технологий государств Сторон,

сознавая важность двухсторонних связей в области инноваций и технологического прогресса, рассматривая их как важный и необходимый фактор развития экономики обоих государств,

убежденные в том, что такие взаимосвязи будут способствовать укреп-

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2011 г., № 29, ст. 300.

** Нота МИД Республики Узбекистан от 25 июля 2011 года № 05/22682.

Нота МИД Туркменистана от 10 июня 2011 года № 05/3089. Постановление Президента Туркменистана от 3 июня 2011 года № 11660.

лению сотрудничества между государствами и их народами, а также создадут долгосрочную основу для развития взаимовыгодных торгово-экономических связей,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут осуществлять сотрудничество в научно-технологической сфере на основе принципов равноправия и взаимной выгоды в соответствии с национальным законодательством своих государств.

Статья 2

Научно-технологическое сотрудничество между Сторонами будет осуществляться на основе их национальных интересов по следующим основным направлениям:

- научно-технологическая сфера — разработка программ, проектов и механизмов их финансирования;
- энергетика, включая эффективное использование энергии, возобновляемые источники энергии и новые технологии;
- сельское и водное хозяйство, здравоохранение и охрана окружающей среды;
- иные взаимно согласованные направления сотрудничества в области науки, технологий и инженерно-конструкторских работ.

Статья 3

Сотрудничество в рамках настоящего Соглашения, может реализовываться в следующих формах:

- осуществление совместных научно-исследовательских программ, проектов по созданию и освоению наукоемких и ресурсосберегающих технологий;
 - обмен открытой научно-технической информацией и инновационными технологиями;
 - выполнение совместных научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ;
 - обмен учеными и специалистами для проведения научных исследований и промышленных разработок;
 - создание новых видов техники и технологий;
- а также в других формах по взаимной договоренности Сторон.

Статья 4

Стороны будут стимулировать совместную инновационную деятельность в сфере промышленных разработок и новых технологий при надлежащем соблюдении национального законодательства государств Сторон, а также обязательств Сторон, вытекающих из международных договоров и согла-

шений в области интеллектуальной собственности, участниками которых они являются.

В этих целях будет поощряться установление связей между научно-исследовательскими центрами, высшими учебными заведениями, предприятиями и организациями, заинтересованными во внедрении и совместном освоении результатов исследований и разработок.

Статья 5

Стороны обязуются не передавать научную, инженерно-конструкторскую и технологическую информацию, полученную ими и их представителями на основе данного Соглашения любой третьей стороне без письменного согласия другой Стороны.

Результаты совместных научных исследований и иной информации, полученные в ходе сотрудничества в рамках настоящего Соглашения, кроме тех, которые не подлежат разглашению по причине того, что составляют государственную или иную охраняемую законом тайну, а также по коммерческим или производственным причинам, могут быть при взаимном согласии открыты для мировой научной общественности путем использования общепринятых способов их передачи и в соответствии с действующим национальным законодательством государств Сторон.

Статья 6

Для координации и реализации положений настоящего Соглашения исполнительными органами Сторон являются:

со стороны Республики Узбекистан — Комитет по координации развития науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан;
со стороны Туркменистана — Академия наук Туркменистана.

При изменении названий или функций компетентных органов Стороны будут своевременно уведомлены по дипломатическим каналам.

Статья 7

Исполнительные органы Сторон, по мере необходимости, будут проводить встречи для определения приоритетных направлений сотрудничества, обсуждения хода реализации настоящего Соглашения и осуществления совместных проектов и программ, а также проводить консультации по вопросам, представляющим взаимный интерес.

Статья 8

В случае возникновения разногласий между Сторонами относительно толкования или применения положений настоящего Соглашения Стороны будут разрешать их путем переговоров и консультаций.

Статья 9

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств, вытекаю-

щих из других международных договоров, участниками которых являются Стороны.

Статья 10

В настоящее Соглашение по взаимному согласию Сторон могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 11

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня получения последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для вступления его в силу.

С даты вступления в силу настоящего Соглашения утрачивают силу положения абзацев 2 и 5 статьи 3 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о сотрудничестве в области науки, техники и информации, подписанного 16 января 1996 года.

Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет, и будет продлеваться на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не менее чем за шесть месяцев до истечения очередного пятилетнего периода не направит письменное уведомление другой Стороне о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Ташкенте 5 мая 2011 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Соглашения текст на русском языке будет иметь преимущественную силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом
Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона
маъмуриятларига ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида
БИТИМ**

1999 йил 12 июнь, Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1999 йил 30 июндаги 319-сон қарори билан тасдиқланган*

*(2011 йил 21 августдан кучга кирган)**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

божхона қонунларининг бузилиши улар мамлакатларининг иқтисодий, молиявий ва тижорат манфаатларига зиён келтиришини ҳисобга олиб,

божхона божлари, солиқ ва бошқа тўловларнинг аниқ белгиланишини таъминлаш муҳим эканлигини тушуниб,

божхона қонунларини қўллаш ва уларга риоя қилиш соҳаларида халқаро ҳамкорлик зарурлигини тан олиб,

божхона қонунлари бузилишини бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар улар Божхона маъмуриятларининг яқин ҳамкорлиги натижасида янада самаралироқ бўлишига ишониб,

1953 йил 5 декабрдаги Ўзаро маъмурий ҳамжиҳатлик бўйича Божхона ҳамкорлиги кенгаши (Бутунжаҳон божхона ташкилоти)нинг тавсияларини эътиборга олиб,

куйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда
Таърифлар**

Ушбу Битимда:

1. «Божхона қонунлари» атамаси товарларни импорт, экспорт, транзит қилиш ва барча божхона процедураларини амалда қўллаш, жумладан тақиқлаш, чеклаш ва назорат қилиш бўйича Томонларнинг Божхона маъмуриятлари амал қиладиган қонунлар, қонун кучига эга бўлган ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни англатади.

2. «Божхона ҳуқуқбузарлиги» атамаси божхона қонунларини ҳар қандай тарзда бузиш ёки бузишга уринишни англатади.

3. «Божхона божлари ва солиқлари» атамаси божхона божлари ва

* Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 1999 йил 5 июлдаги 05/8214-сон Нотаси.

Эрон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумот Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги 644/1325336-сонли Нотаси билан олинган.

кўрсатилган хизматларнинг тахминий қийматига қадар чекланган йиғимлардан ташқари, товарларни импорт ёки экспорт қилишда ёхуд улар муносабати билан ундириладиган бошқа барча бож, солиқ ва йиғимларни англатади.

4. «Божхона маъмурияти» атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан Давлат божхона қўмитасини, Эрон Ислом Республикасига нисбатан Молия ва иқтисодий алоқалар вазирлигининг Божхона маъмуриятини англатади.

2-модда

Битим қўлланиладиган соҳа

1. Ушбу Битим доирасидаги қўмаклашишлар, иккала Томоннинг миллий қонунларига мувофиқ Божхона маъмуриятларининг ваколатлари ва мавжуд ресурслари доирасида амалга оширилади.

2. Томонларнинг Божхона маъмуриятлари божхона қоидалари бузилишининг олдини олиш, текшириш ва уларга қарши курашда ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ҳамкорлик қиладилар ва бир-бирларига қўмаклашадилар.

3-модда

Қўмаклашиш соҳаси

1. Бир Томон Божхона маъмуриятининг сўровига биноан бошқа Томоннинг Божхона маъмурияти божхона қонунларига риоя қилишни таъминлашда ёрдам бериши мумкин бўлган барча мавжуд ахборотни тақдим этади, шу жумладан:

а) божхона божлари, солиқлари ва бошқа тўловларининг тўғри ҳисобланишини таъминлаш бўйича;

б) божхона мақсадлари учун товарлар қийматини аниқ белгилаш бўйича;

с) товарларнинг тариф таснифини ва тайёрланган жойини аниқлаш бўйича.

2. Ушбу Битим доирасидаги қўмаклашиш қуйидагиларга тааллуқли ахборотни ўз ичига олади, лекин шу билан чекланиб қолмайди:

а) божхона ҳуқуқини бузишнинг олдини олишда фойда келтириши мумкин бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатлари, хусусан божхона ҳуқуқини бузишга қарши курашнинг махсус усуллари;

б) божхона қоидаларини бузишни содир этишнинг янги методлари;

с) божхона ҳуқуқини бузишларга қарши янги техника воситалари ва янги методларни муваффақиятли қўллаш натижасида тўпланган тажриба ва ютуқлар; ва

д) йўловчилар ва юкларни расмийлаштиришнинг янги усул ҳамда методлари.

4-модда

Назоратни амалга оширишга қўмаклашиш

1. Бир Томон Божхона маъмуриятининг сўровига биноан бошқа Томон-

нинг Божхона маъмурияти унга куйидаги масалаларга оид маълумотларни беради:

а) сўраётган Томон Божхона маъмуриятига божхона юк баённомаси билан бирга тақдим этилган расмий ҳужжатларнинг аслига тўғрилиги;

б) бошқа Томон ҳудудидан сўраётган Томон ҳудудига олиб кирилган товар қонуний экспорт эканлиги;

с) сўраётган Томон ҳудудидан сўралаётган Томон ҳудудига олиб чиқилган товар қонуний импорт эканлиги.

2. Бундай маълумотда товарларни тўлиқ божхона расмийлаштирилишидан ўтказиш учун қўлланган божхона процедуралари кўрсатилиши лозим.

5-модда

Маълумотнинг махфийлиги

1. Ушбу Битим доирасида юбориладиган ёки олинадиган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки бошқа хабарларга махфийлик режими берилади ҳамда улардан фақат ушбу Битимда кўрсатилган мақсадда фойдаланиш мумкин. Уларга қабул қилаётган мамлакатда унинг ҳудудида олинган шу хилдаги маълумот, ҳужжат ва хабарларга нисбатан қўлланадиган ҳимоя ва расмий махфийлик воситалари берилади.

2. Бундай маълумот ва ҳужжатларни фақат суриштирув, маъмурий ва судлов ишларини олиб боришда ишлатиш мумкин.

3. Сўраётган Томон ушбу Битим доирасида олинган ашёвий далиллар ёки маълумотдан сўровда кўрсатилгандан ташқари мақсадда сўралаётган Томон билан олдиндан келишмай туриб фойдаланмайди.

6-модда

Кўмаклашишни рад этиш

1. Агар сўралаётган Томон ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни бажариш суверенитетга, хавфсизликка ва бошқа муҳим миллий манфаатларга ёки давлат миллий қонунларига зид келади деб ҳисобласа, кўмаклашишни рад этиши ёки муайян шарт ёхуд талабларга риоя қилинган тақдирда ёрдам бериши мумкин.

2. Кўмаклашиш ҳақидаги сўров рад қилинса, сўраётган Божхона маъмуриятига қабул қилинган қарор ва раддия сабаблари ҳақида ёзма равишда кечиктирмасдан хабар берилади.

3. Сўралаётган Божхона маъмурияти томонидан олиб борилаётган тергов, жазолаш ишларига ёки суд жараёнига ҳалақит қилмаслиги учун кўмаклашиш кейинга қолдирилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўралаётган Томон сўраётган Томон билан бундай кўмаклашиш сўралаётган Томон муайян шартлар асосида амалга оширилиши мумкинлигини аниқлаш учун маслаҳатлашиш ўтказилади.

4. Сўраётган Томон Божхона маъмуриятининг ўзи сўралаётган Томон Божхона маъмуриятидан шунга ўхшаш сўров олгани тақдирда ёрдам кўрсатма олмаса, у ўз сўровида ушбу ҳолга эътиборни қаратмоғи лозим. Бундай

сўровни қондириш сўралаётган Томон Божхона маъмурияти ихтиёрига ҳавола этилади.

7-модда **Сўровларни етказиш**

1. Кўмаклашиш ҳақидаги сўровларнинг шакли ва мазмуни:

а) сўровлар ушбу Битимга мувофиқ ёзма равишда юборилади. Бундай сўровларни ижро этиш учун зарур ҳужжатлар илова қилинади. Зарурат юзасидан, зудлик билан ҳаракат қилиш лозим бўлган ҳолларда, оғзаки сўров қабул қилиниши мумкин, бироқ у қисқа муддатда ёзма равишда тасдиқланади;

б) сўровлар ёзма равишда инглиз тилида бўлиши керак. Бундай сўровларга илова қилинган барча ҳужжатлар заруратга қараб инглиз тилига таржима қилинади;

с) ушбу модданинг биринчи бандида кўзда тутилган сўровлар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

(1) сўров юбораётган орган;

(2) ҳаракат тарзи;

(3) сўров маъноси ва сабаби;

(4) агар маълум бўлса, кўриляётган ишга жалб қилинган томонларнинг номлари ва манзиллари;

(5) кўриляётган ишнинг қисқача тавсифи ва унга дахлдор ҳуқуқий нормалар; ва

(6) сўралаётган ёрдам ҳамда сўралаётган иш ўртасидаги алоқа.

2. Алоқа йўллари;

а) Кўмаклашиш тегишли Божхона маъмуриятлари ўртасида бевосита алоқа ёрдамида амалга оширилади.

б) Сўралаётган Томоннинг Божхона маъмурияти сўровни бажара оладиган ташкилот бўлмаса, у тегишли маслаҳатлашишлардан сўнг сўровни амалдаги қонунларга мувофиқ ўз ваколати доирасида бажара оладиган ташкилотга зудлик билан етказди ёки сўраётган Томонга бундай сўровни ижро этиш учун зарур бўлган тегишли процедура ҳақида маълумот беради.

3. Томонларнинг Божхона маъмуриятлари ушбу Битим мақсадларини кўзлаб бундай алоқани амалга ошириш учун масъул бўлган ходимларни тайинлайдилар ва ушбу ходимларнинг исми, лавозимлари, телефон ва факс рақамлари рўйхатини алмашадилар. Улар ўз тергов бўлинмалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишлари мумкин.

8-модда **Сўровларнинг бажарилиши**

1. Сўралаётган Божхона маъмурияти миллий қонунларга мувофиқ, сўровни мақбул муддатларда ижро этиш юзасидан оқилона чора-тадбирлар кўради.

2. Исталган Томоннинг Божхона маъмурияти бошқа Томон Божхона маъмуриятининг сўровига биноан ҳар қандай керакли сўровларни бажара-

ди, жумладан зарур ҳолларда гувоҳ ва экспертлар ёки божхона ҳуқуқини бузишда гумон қилинаётган шахсларни сўровдан ўтказади.

9-модда

Ишлар, ҳужжатлар ва гувоҳлар/экспертлар

1. Томонларнинг Божхона маъмуриятлари сўров бўйича товарларни ташишга оид ҳамда уларнинг қиймати, миқдори, ишланган ва юборилаётган жойини кўрсатувчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

2. Копиялар етарли бўлмаган ҳолдагина ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари сўралади. Махсус сўров бўйича бундай ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг нусхалари тегишли равишда тасдиқланади.

3. Юборилган ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалари энг қисқа вақт ичида қайтарилиши лозим. Сўров бўйича судга тақдим қилиш учун ёки шунга ўхшаш мақсадлар учун зарур бўлган асл нусхалар зудлик билан қайтариб берилади.

4. Бир Томон Божхона маъмуриятининг сўровига биноан бошқа Томоннинг Божхона маъмурияти ўз ихтиёрича, ходимларнинг розилиги билан уларга бошқа Томон ҳудудида маъмурий ёки жиний ишларни олиб боришда гувоҳ ва/ёки эксперт сифатида қатнашишга рухсат беради ҳамда ижро қилиш муҳим деб қараладиган ишлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг асл нусхаларини тақдим этади. Бундай сўровда судлов ишларини юргизиш вақти, жойи ва тури, шунингдек ходимларнинг ким сифатида қатнашишлари кўрсатилади.

5. Ушбу Битим доирасидаги вазифаларни бажариш учун бир Томон божхона маъмуриятининг вакиллари иккинчи Томон давлатининг ҳудудида бўлган чоғларида ҳар доим ўз вазифаларини бажаришга ҳозир бўлишлари лозим, аммо улар махсус кийим кийишлари ва қурол олиб юришлари шарт эмас.

10-модда

Сарф-харажатлар

1. Томонлар, ушбу Битим шартларини бажаришга боғлиқ харажатларни қоплаш ҳақидаги барча талаблардан воз кечадилар, гувоҳларни йўллаш, давлат хизматчилари бўлмаган эксперт ва таржимонларга бериладиган тўлов бундан мустасно.

2. Агар сўровни бажариш катта харажатлар билан боғлиқ бўлса, Томонлар ушбу сўровни ижро этиш муддати ва шартларини белгилаб олиш, шунингдек харажатларнинг қай йўсинда қопланиши тўғрисида маслаҳатлашадилар.

11-модда

Кўмаклашиш бўйича алоҳида ҳолатлар

Ўз давлатининг миллий қонунларига мувофиқ:

1. Бир Томон Божхона маъмурияти бошқа Томон Божхона маъмуриятининг сўровига биноан ўз имкониятлари доирасида қуйидаги махсус кузатувларни амалга оширади:

а) сўраётган Томон ҳудудида божхона ҳуқуқини бузиш учун фойдаланишда гумон қилинаётган транспорт воситаларини;

б) сўраётган Томон мамлакатига жўнатилаётган, у ноқонуний савдо предмети деб аниқланган товарларни;

с) ҳуқуқни бузганлиги аниқ бўлган ёки гумон қилинаётган муайян шахсларни.

2. Томонларнинг Божхона маъмуриятлари бошқа Томон ҳудудида ҳуқуқни бузишга олиб келиши мумкин бўлган фаолият ҳақидаги барча маълумотларни бир-бирларига такдим этадилар. Бошқа Томоннинг иқтисодиётига, кишилар саломатлигига, жамоат хавфсизлигига ва бошқа ҳаётий манфаатларига катта зиён етказилиши аниқ бўлган ҳолларда бундай маълумот сўровсиз юборилади.

12-модда

Низоларни ҳал этиш

Томонлар ўз Божхона маъмуриятлари:

а) ушбу Битимдан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиш мақсадида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишлари;

б) маслаҳатлашишлар ўтказилгач, ушбу Битимни ижро этиш учун ҳар қандай маъмурий фармойишлар ишлаб чиқишлари мумкин деб ахдлашиб олдилар.

13-модда

Қўшимчалар киритиш

Томонларнинг ёзма равишда келишувига биноан ушбу Битимга қўшимчалар киритилиши мумкин. Улар алоҳида баённомалар тарзида тузилади ва Битимнинг таркибий қисми ҳисобланади.

14-модда

Битимнинг кучга кириши ва амал қилишининг тўхтатилиши

1. Ушбу Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат процедураларини бажарганликлари ҳақидаги охириги билдириш хати дипломатик йўллар орқали олинган санадан бошлаб 30 кун ўтгач кучга киради.

2. Томонларнинг ўзаро ёзма розиликлари асосида ушбу Битимга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Ушбу Битимнинг амал қилиш муддати чекланмаган. У Томонлардан бири бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ўз ниятидан ёзма равишда хабардор қилган санадан уч ой ўтгач амал қилишини тўхтатади. Ушбу Битим амал қили-

ши тўхтатилган вақтгача тугалланмаган ишлар унинг қоидаларига мувофиқ охирига етказилади.

Тошкент шаҳрида 1999 йил 12 июнда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, форс ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

МЕМОРАНДУМ
о взаимопонимании между Министерством экономики
Республики Узбекистан и Министерством экономики знаний
Республики Корея о сотрудничестве в области промышленности,
энергетики и минеральных ресурсов*

Ташкент, 23 августа 2011 года

Министерство экономики Республики Узбекистан и Министерство экономики знаний Республики Корея (в дальнейшем — «Стороны»):

Высоко оценивая тесные, дружественные экономические связи, между Республикой Узбекистан («Узбекистан») и Республикой Корея («Корея»), а также,

Признавая, что участие Кореи в качестве основного партнера, используя свой опыт и возможности в области экономического развития, для содействия усилиям Узбекистана по модернизации и диверсификации экономики, будет способствовать экономическому развитию не только Узбекистана, но и Кореи,

Достигли взаимопонимания о нижеследующем:

Статья 1.

Цель

В целях развития взаимовыгодных экономических отношений, Стороны расширят двустороннее сотрудничество в областях промышленности, энергетики, минеральных ресурсов, в том числе развитии технологий. Обе Стороны определят совместные проекты и будут оказывать необходимое содействие при их реализации.

* Вступил в силу со дня подписания.

Статья 2. Направления сотрудничества

Стороны окажут содействие двустороннему сотрудничеству в следующих областях:

- (a) Промышленность;
- (b) Энергетика и минеральные ресурсы.

Статья 3. Методология сотрудничества и совместные мероприятия

1. Для обеспечения сотрудничества в областях, определенных в Статье 2 настоящего Меморандума о взаимопонимании, Стороны создадут Совместный руководящий комитет.

2. Совместный Руководящий Комитет организует Подкомитет для каждой области сотрудничества, определенной в Статье 2. Каждый Подкомитет будет состоять из членов, определяемых Совместным руководящим комитетом, и будет функционировать под руководством должностного лица старшего звена с каждой Стороны, назначаемого Совместным руководящим комитетом. Подкомитеты будут управлять проектами в областях сотрудничества.

3. Посредством Совместного Руководящего Комитета и Подкомитетов по промышленному и энергетическому сотрудничеству, Стороны будут осуществлять следующие совместные мероприятия:

- (a) обмен информацией в сфере экономического и инвестиционного сотрудничества между Кореей и Узбекистаном;
- (b) определение возможных совместных проектов в области промышленности, энергетики, полезных ископаемых и переработки нефти;
- (c) разработка и исполнение планов по реализации определенных совместных проектов;
- (d) рассмотрение и решение трудностей, связанных с осуществлением совместных проектов;
- (e) обмен опытом в области экономического развития, в частности, в сферах, предусмотренных настоящим Меморандумом о взаимопонимании;
- (f) любые другие совместные мероприятия, принятые обеими Сторонами.

4. Заседания Совместного руководящего комитета будут проводиться не реже одного раза в год, поочередно в Узбекистане и Корее. Совместный руководящий комитет согласовывает и утверждает свой регламент работы.

5. Каждая Сторона самостоятельно несет расходы, связанные с деятельностью Совместного руководящего комитета и его Подкомитетов.

Статья 4. Реализация

В целях реализации настоящего Меморандума о взаимопонимании, Стороны намерены активно сотрудничать по следующим вопросам:

- (a) Стороны, в рамках своего национального законодательства, будут

добросовестно и в кратчайшие сроки отвечать на запросы друг друга, связанные с реализацией настоящего Меморандума о взаимопонимании, такие как запросы о предоставлении необходимой информации.

(b) Стороны в части своей компетенции окажут содействие в решении вопросов, связанных с лицами, ответственными за осуществление мероприятий в рамках настоящего Меморандума о взаимопонимании, в соответствии с действующими нормативными актами — например, по одобрениям и/или разрешениям, относящимся к работе и временному проживанию.

(c) любые другие вопросы, возникающие в ходе реализации настоящего Меморандума о взаимопонимании, должны решаться по взаимному письменному согласию.

Статья 5. Ограничения

1. Настоящий Меморандум о взаимопонимании не предполагает создания каких-либо юридических обязательств по международному праву.

2. Настоящий Меморандум о взаимопонимании будет осуществляться в рамках соответствующих законов и нормативных актов обеих стран.

Статья 6. Права на интеллектуальную собственность

1. Любые права на интеллектуальную собственность, сведения и/или информация, полученная от деятельности, осуществляемой в рамках настоящего Меморандума о взаимопонимании, должны использоваться в соответствии с законами и нормативными актами государств Сторон, а также международными нормами в области прав на интеллектуальную собственность.

2. Если одна из Сторон желает раскрыть третьим лицам любое конфиденциальное сведение и/или информацию, полученную в результате деятельности, осуществляемой в рамках настоящего Меморандума о взаимопонимании, раскрывающая Сторона должна получить предварительное согласие другой Стороны до любого возможного разглашения.

Статья 7. Разрешение споров

Любые споры, которые могут возникнуть относительно толкования и/или реализации настоящего Меморандума о взаимопонимании будут своевременно урегулированы путем консультаций или переговоров между Сторонами.

Статья 8. Вступление в силу, изменения и прекращение

1. Настоящий Меморандум о взаимопонимании вступает в силу со дня

его подписания и остается в силе в течение пяти (5) лет. Оно будет автоматически продлеваться на последующие пятилетние периоды, до тех пор, пока одна из Сторон не сообщит о намерении прекратить его действие.

2. Настоящий Меморандум о взаимопонимании может быть изменен в любое время по взаимному письменному согласию.

3. Любая из Сторон может прекратить действие настоящего Меморандума о взаимопонимании в любое время путем направления письменного уведомления другой Стороны не менее чем за 6 (шесть) месяцев до предполагаемой даты расторжения.

4. Прекращение действия настоящего Меморандума о взаимопонимании не затрагивает каких-либо программ или проектов, которые уже были начаты, если Стороны не примут иного согласованного решения.

5. Настоящий Меморандум о взаимопонимании заменяет собой Меморандум о взаимопонимании, который был заключен 10 мая 2005 года между Министерством экономики Республики Узбекистан и Министерством торговли, промышленности и энергетики Республики Корея о сотрудничестве в области энергетики и минеральных ресурсов.

ПОДПИСАН в Республике Узбекистан 23 августа 2011 года, в двух экземплярах, каждый на русском, корейском и английском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу. В случае разногласия в толковании положений настоящего Меморандума о взаимопонимании Стороны будут руководствоваться текстом на английском языке.

(подписи)

**Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот
вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ўртасидаги соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани
соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2011 йил 23 август, Тошкент

Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, келгусида «Томонлар» деб аталувчилар,

соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қуйидагилар тўғрисида англашувга эришдилар:

1-банд

Томонлар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорликни ўзаро манфаатли равишда ҳамда Томонлар давлатларининг қонунчилиги асосида кўллаб-қувватлайдилар ва ривожлантириб борадилар.

2-банд

Томонлар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанининг соҳаларида ҳамкорликни қуйидаги ўзаро қизиқиш бўлган соҳаларда олиб борадилар:

- a) Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- b) Стационар ҳолатида кўрсатиладиган тиббий ёрдам;
- c) Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт техникаси соҳасида янги технологиялар;
- d) Юқумли бўлмаган ва юқумли касалликлар диагностикаси қилиш ва даволаш;
- e) электрон тиббиёт;
- f) тиббиёт ва дори воситалари сиёсати ҳамда илмий изланишлар;
- g) соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларни олдини олиш;
- h) илмий изланишлар, биотехнологияларни ривожлантириш ва индустриализацияси;
- i) Томонлар келишувига кўра бошқа соҳалар.

3-банд

Томонлар ҳамкорликни қуйидагилар орқали олиб борадилар:

- a) ахборот алмашинуви;
- b) делегациялар ва мутахассислар алмашинуви;
- c) Томонлар учун устувор бўлган йўналишларда тажриба алмашинуви;
- d) конгресс, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;
- e) соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва фармацевтика фани соҳасида ўзаро қизиқиш бўлган қўшма лойиҳалар ва ходимларни ўқитиш;
- f) икки давлат ўртасида тиббий ёрдам хизматларидан фойдаланишни яхшилаш;
- g) халқаро ҳамкорлик.

4-банд

Томонлар талабларига асосан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳамда тиббиёт фани, янги технологик кашфиётлар ва янги тиббиёт техникаси бўйича ахборот ва тажриба алмашадилар.

5-банд

Томонлар тиббиёт муассасалари, миллий тиббиёт марказлари, клиникалари ва даволаш муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрна-

тилишини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатларни икки томонлама қизиқиш доирасида амалга оширадилар.

6-банд

1. Томонлар билим, тажриба ва малакасини ошириш мақсадида, экспертлар ва тиббиёт мутахассислари алмашувини, икки давлат учун устувор бўлган соҳаларда амалга оширадилар.

2. Мутахассислар алмашуви билан боғлиқ бўлган барча харажатларни, шу жумладан, транспорт, меҳмонхоналарда яшаш билан боғлиқ бўлган харажатларни юборувчи Томон ўз зиммасига олади.

3. Ушбу Меморандум доирасидаги ўзаро фаолиятнинг бошқа шаклдаги турлари билан боғлиқ бўлган харажатлар Томонлар ўртасидаги келишувга асосан тўланади.

4. Томонлар бошқа давлатга режалаштирилаётган сафардан камида бир ой олдин, ўз экспертлари ва мутахассисларининг ишчи дастурларини тайёрлаб, инглиз тилида иккинчи Томонга юборади.

7-банд

Томонлар ушбу Меморандум доирасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун вазирликлар масъул ходимларидан ташкил топган ишчи гуруҳини тайинлайдилар.

8-банд

Томонларнинг келишувига асосан, ушбу Меморандумга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар Меморандумнинг айрилмас қисми ҳисобланган алоҳида протоколлар билан расмийлаштирилади.

9-банд

Томонларнинг хат орқали ўзаро келишувига асосан, ушбу Меморандум ўзгартирилиши мумкин.

10-банд

Ушбу Меморандум Томонларнинг имзолаган кунидан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга амал қилади. Томонлардан бири бошқа Томонни, тегишли муддат тугашидан камида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали ушбу Битимнинг амал қилинишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг фаолияти ўз-ўзидан кейинги беш йил муддатга узайтирилади.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда қарама-қаршилиқлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

Ушбу Меморандумнинг тугатилиши, агарда Томонлар бошқа келишувга эга бўлмасалар Меморандум амал қилган даврда бошланган лойиҳа ва дастурларнинг тугатилишига таъсир қилмайди.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 23 августида икки асл нусхада, ҳар бири

ўзбек, корейс ва инглиз тилларида бўлган бир хил маънода тузилди ва барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Меморандумнинг бандларини талқин қилишда тафовутлар бўлган ҳолда, инглиз тилидаги матн устуворлик қилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
билан Корея Республикаси «Корея Статистикс» ўртасида
статистика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2011 йил 24 август, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Корея Республикаси «Корея Статистикс» (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар), келажакда Томонлар ўртасида статистика соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳамда статистикани юксалтириш имкониятлари ҳақида келишиб олиш мақсадида,

статистика соҳасига оид ўзаро ҳамкорликдаги дастурлар ва лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг шарт-шароитларини шакллантиришнинг муҳимлигини ҳисобга олиб,

қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда.

Умумий қоидалар

Томонлар, ўзаро ёрдам ва ўзаро манфаатдорликка асосланган статистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришда барча зарур бўлган чора-тадбирлардан амалда фойдаланадилар.

2-модда.

Ҳамкорлик йўналишлари

Томонлар, молиявий ва инсон ресурслари етарли бўлган шароитларда ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мос равишда статистика соҳасидаги қўйидаги йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос яратадилар ва қўллаб-қувватлайдилар:

1) Томонлар давлатлари ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгариш-

* Имзоланган кундан кучга кирган.

лар билан боғлиқ, даврий ва бошқа нашрлар (йиллик нашрлар, тўпламлар, бюллетенлар, янгиликлар ва шарҳлар кабилар)ни қўшган ҳолда, очиқ статистик маълумотлар, статистик кузатувлар, рўйхатга олиш ва кузатувларга оид услубий қўлланмалар ва ахборотлар алмашиш;

2) статистикага оид Томонлар давлатларининг миллий қонунларини тақомиллаштириш ва Томонларнинг ривожланишига боғлиқ янги йўналишларга оид ахборотлар билан алмашиш;

3) ахборот технологияларини статистика амалиётига жорий этиш билан боғлиқ тажриба алмашиш;

4) шартнома асосида, фойдали лойиҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликдаги тадқиқотларни амалга оширишни муҳокама қилиш;

5) статистика масалаларига оид ўзаро ҳамкорликдаги техник лойиҳаларни тайёрлаш;

6) статистика соҳасидаги сўнгги ўзгаришлар билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида, ўзаро ҳамкорликдаги сессиялар, семинарлар ва конференциялар ташкил этиш.

3-модда.

Ҳамкорликни амалга ошириш

1. Томонлар, аниқ тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатларини, ўзларининг тегишли ваколатлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимча тарзда аниқлайдилар.

2. Ушбу англашув Меморандуми ва Томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасида ўтказиладиган тадбирлар жараёнида, Томонлар давлатларининг расмий (давлат) тилидан фойдаланилади. Лойиҳаларга оид барча расмий ҳужжатлар, шу жумладан, барча маълумотлар Томонларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланган тилда чоп этилади.

3. Ушбу англашув Меморандумини амалга ошириш жараёнида юзага келган сарф ва харажатлар, ўзаро ҳамкорликдаги ҳар бир тадбир бошланишидан олдин Томонларнинг ўзаро келишуви асосида қопланади.

4-модда.

Меморандумнинг кучга кириши, ўзгартиришлар киритилиши ва тугатилиши

Ушбу англашув Меморандуми Томонлар имзолаган санадан кучга киради ва 5 йил давомида амал қилади. Агар Томонлардан бири бошқа Томонга унинг амал қилиш муддатини тугатиш камида 6 ой олдин ёзма равишда хабар бермаса, англашув Меморандуми кейинги 5 йиллик муддатларга узайтириб борилади.

Ушбу англашув Меморандумини талқин этишда вужудга келиши мумкин бўлган барча мунозарали масалалар, Томонларнинг маслаҳатлашуви ва музокаралари воситасида ҳал этилади.

Ушбу англашув Меморандумига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Томонларнинг ўзаро келишувига асосан, ушбу англашув Меморандумининг

ажралмас қисми ҳисобланган ва ушбу англашув Меморандумида қайд этилган тартибда кучга кирадиган алоҳида расмийлаштирилган баённомалар воқитида амалга оширилиши мумкин.

Томонларнинг бири англашув Меморандумини тугатиш мақсадида эканини ёзма равишда иккинчи томонни камида 6 ой олдин хабардор қилган ҳолда, ушбу англашув Меморандумини тугатиши мумкин.

Тошкент шаҳрида, 2011 йил 24 августда икки асл нусхада ўзбек, корейс ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар тенг кучга эга.

Талқин этишда юзага келадиган ҳар қандай тушунмовчилик ҳолатида инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қатар
Давлати Ҳукумати ўртасида ҳуқуқий соҳада
ҳамкорлик қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2010 йил 24 ноябрь, Доха

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
25 февралдаги ПҚ-1489-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 25 августдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар Давлати Ҳукумати, бундан кейин Томонлар деб аталувчилар
икки давлат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб,
дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашни истаб,
ҳуқуқий соҳада ўзаро тажриба алмашиш ва ҳар икки давлат қонунчи-

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 87-модда.

** Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2011 йил 2 мартдаги хати билан Ўзбекистон Республикасининг Қувайтдаги элчихонасига юборилган.

Қатар томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумот Қатар давлатининг Эрондаги элчихонасининг Нотаси билан (2011 йил 4 августдаги 1/2/6/-214-сонли Нота) 2011 йил 25 август кuni олинган.

лиги тўғрисида хабардор қилишни яхшилаш бўйича алоқаларни ривожлантириш зарур эканини англаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Томонлар тажриба ва Томонлар давлатларининг эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини алмашиш йўли билан ҳамкорликни амалга оширадилар.

2-модда

1. Қуйидагилар мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш бўйича Томонларнинг ваколатли идоралари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Қатар Давлати томонидан — Қатар Давлати Адлия вазирлиги.

2. Ваколатли идораларнинг номлари ёки вазифалари ўзгарса, Томонлар дипломатик каналлар орқали ўз вақтида хабардор қилинадилар.

3-модда

Томонлар ҳар икки давлат қонун ҳужжатлари ҳамда уларни қўллаш билан боғлиқ турли муаммолар ва масалалар бўйича симпозиумлар, конференциялар ва қўшма курсларни ташкил қилиш ва ўтказишни қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар ўзлари ташкил қилишни режалаштирган симпозиумлар ва илмий конференциялар ҳамда уларда иштирок этиш учун тегишли таклифнома юбориш тўғрисида бир-бирини ўз вақтида хабардор қиладилар. Ҳар бир Томон, шунингдек бошқа Томонни кўрсатиб ўтилган тадбирлар давомида қабул қилинган зарур ҳулосалар ва тавсиялар билан таъминлайди.

4-модда

Томонлар ҳар икки давлат қонун ҳужжатлари ва ваколатли идоралари фаолияти билан боғлиқ бюллетенлар, юридик журналлар ва нашрлар билан мунтазам асосда алмашиб турадилар.

5-модда

Томонлар ўзларининг ваколатли органлари фаолияти ва вазифалари билан танишиш мақсадида ўзаро делегациялар юборадилар ва ташрифларни амалга оширадилар.

6-модда

Томонлар юристлар малакасини ошириш соҳасида ўзаро экспертлар алмашиш ва Томонлардан ҳар бири ташкил қиладиган курслар ва семинарларда иштирок этиш йўли билан ҳамкорлик қиладилар.

7-модда

Томонлар мазкур ҳамкорликни қўйидаги молиявий шартлар асосида амалга оширилишини белгилайдилар: Томонлардан бирининг ҳудудида бўлиш (жойлашиш, овқатланиш, тиббий хизмат, зарур бўлганда таржимон хизмати, шунингдек келишилган дастур бўйича маданий тадбирлар) харажатлари давлатда бўлиш бўйича келишилган муддатда қабул қилувчи Томон тарафидан тўланади.

Жўнатувчи томон тадбирларни ўтказиш жойигача бориш ва орқага қайтиш бўйича харажатларни тўлайди. Делегация ёки экспертларнинг ва бошқа шахсларнинг бошқа Томон давлатида ҳар бир алоҳида ҳолатда келишилганидан ортиқ муддатда бўлиши бўйича харажатлар томонлар ўртасида олдиндан келишилади.

Томонлар, агар бу олдиндан ёзма шаклда келишилмаган бўлса, бошқа Томон вакиллари қабул қилиш бўйича харажатлар қилмайди.

8-модда

Томонлар маълумот алмашишда инглиз тилидан ёки, ўзаро келишув бўйича, бошқа тиллардан фойдаланадилар. Шошилиш хабарлар ва материалларни узатиш учун электрон, факсимиль ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

9-модда

Ҳуқуқий маълумот алмашиш Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда

Мазкур Битим Томонларнинг улар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

11-модда

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган барча низо ва ихтилофлар Томонлар тарафидан маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

12-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича мазкур Битимга алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва унинг 13-моддасида назарда тутилган тартибда кучга киради.

13-модда

Ушбу Битим Томонлардан бирининг бошқасидан ушбу Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғри-

сида дипломатик каналлар орқали сўнги ёзма хабарнома олган кундан бошлаб кучга киради ва исталган Томон тарафидан бекор қилинмагунча ўз кучида қолади.

2010 йил 24 ноябрда Доха шаҳрида ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Талқин қилишда ихтилофлар келиб чиқса, инглиз тилидаги матн устувор бўлади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия
Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида терроризм,
уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп
моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа
жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2010 йил 27 ноябрь, Ар-Риёд

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
21 февралдаги ПҚ–1483-сон қарори билан тасдиқланган*

*(2011 йил 30 августдан кучга кирган)**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳукумати, бундан кейин биргаликда «Икки томон» деб аталувчилар, ўз давлатлари ўртасидаги илиқ муносабатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, дунёда жиноятчиликнинг кўпайишига, хусусан терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ортиб боришига нисбатан ўз ташвишларини билдириб ва жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши курашда ҳамкорлик қилишнинг самарали натижаларини англаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликнинг 2011 йил 24 февралдаги 05/5881-сон Нотаси.

Саудия Арабистони томонидан давлат ички процедуралари бажарилганлиги тўғрисида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Тошкентдаги элчихонасининг 2011 йил 1 августдаги 364-сон Нотаси.)

1-модда

Икки томон терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўз мамлакатларининг қонунлари ва тартиб қоидалари ҳамда мазкур Битим доирасида ҳамкорлик қиладилар. Ушбу мақсадда Икки томон уларда мавжуд бўлган бошқа Томонга тааллуқли ҳар қандай тадбирлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан алмашадилар.

Мазкур Битим жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва қидирув остида бўлган шахсларни тутиб бериш (экстрадиция) масалаларига дахл қилмайди.

2-модда

Икки томон жиноятчиликнинг барча шаклларига қарши курашда ҳамкорлик қиладилар, хусусан:

1) ҳар Икки томон мамлакатининг қонунларига мувофиқ ва халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамда халқаро қарорлар ва шартномалар қоидаларига мувофиқ халқаро терроризм ва уюшган жиноятчилик кўринишидаги жиноятлар;

2) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар;

3) ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва портловчи моддалар контрабандаси ва уларга эғалик қилиш ҳамда уларнинг ноқонуний савдоси;

4) ядровий, радиоактив ва хавфли материалларни ўғирлаш ҳамда уларнинг контрабандаси ва ноқонуний савдоси;

5) йўл ҳужжатларини, визаларни ва молиявий ҳужжатларни сохталаштириш ва пулларни қалбакилаштириш;

6) инсоннинг ҳаёти, қадр-қимматига ва мулкка қарши жиноятлар;

7) интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар;

8) компьютер ҳамда ахборот тармоқлари ва тизимларининг хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятлар;

9) иқтисодий ва молиявий жиноятлар, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш;

10) одам савдоси, хусусан аёллар ва болалар савдоси;

11) ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятлар;

12) тарихий, маданий ёки санъат бойликларини ўғирлаш ҳамда уларнинг ноқонуний савдоси.

3-модда

Икки томоннинг ваколатли органлари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик қуйидаги чора ва тадбирларни кўриш йўли билан амалга оширилади:

1) жиноятларни содир этишнинг усуллари ҳамда уларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича чоралар тўғрисида маълумот алмашиш;

2) жиноятчиликка қарши кураш бўйича қонунлар, қонунчилик ҳужжат-

лари ва матбуот нашрлари ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари билан алмашиш;

3) томонлардан ҳар бирининг ҳудудида таъқиб остида бўлган шахслар тўғрисида маълумот алмашиш;

4) Икки томоннинг ҳар бири бошқа Томонни ўзининг ҳудудида ушланган ёки жазога ҳукм қилинган унинг фуқаролари тўғрисида хабардор қилади.

4-модда

Терроризмга қарши кураш соҳасида Икки томон ўз қонунлари доирасида режалаштирилаётган ва содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар билан, Икки томондан ҳар бирининг ҳудудида мавжуд бўлган ва бошқа томоннинг манфаатларига зид келувчи жиноий ҳаракатларни содир этишни режалаштираётган ёки содир этган террорчилик гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар билан ҳамда бундай жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан алмашадилар.

5-модда

Икки томон гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва савдосига қарши кураш соҳасида қуйидаги чора ва тадбирларни кўрадилар:

1) Икки томоннинг ҳар бири бошқа томонга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ишлаб чиқарилиши, ноқонуний айланиши ва тарқалишини назорат қилиш бўйича чора ва тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилади;

2) материалларни мусодара қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ҳамда контрабандачилар ва воситачиларнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар билан, бундай шахслар ижрочилар ёки иштирокчилар ёки жиноятга ундовчилар бўлишидан қатъи назар, шу жумладан, бундай жиноятларни молиялаштирадиган шахслар тўғрисидаги маълумотлар билан алмашадилар. Бундай маълумот билан алмашиш жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида Икки томоннинг ваколатли органлари ўртасида бевосита амалга оширилади;

3) ўсимликлардан олинадиган ёки сунъий йўл билан ишлаб чиқариладиган гиёҳвандлик воситаларининг янги турлари тўғрисида маълумот билан ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан қонуний равишда фойдаланишни назорат қилиш қоидалари тўғрисида маълумот билан алмашадилар;

4) Икки томоннинг ҳар бир, сўров асосида, бошқа Томонга бир Томон ҳудудидан бошқа Томон ҳудудига контрабанда йўли билан олиб ўтилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тахлили ва миқдорларига доир маълумотларни тақдим этади.

6-модда

Икки томон ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун фойдали бўли-

ши мумкин бўлган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги конференциялар ва илмий симпозиумларни ташкил этиш чоғида, Икки томоннинг ҳар бири бошқа Томонни бундай тадбир ўтказилишидан икки ой олдин хабардор қилади.

7-модда

Икки томоннинг ҳар бири бошқа Томонга мазкур Битимда санаб ўтилган, ушбу бошқа Томоннинг манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай жиноий фаолиятга доир маълумотни, унинг режалаштирилаётгани ёки содир этилганлигидан қатъи назар, тақдим этади.

8-модда

Мазкур Битимни амалга оширишга масъул бўлган ваколатли органлар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси учун:

Ички ишлар вазирлиги;
Миллий хавфсизлик хизмати;
Бош прокуратура;
Давлат божхона қўмитаси.

Саудия Арабистони Подшоҳлиги учун:

Ички ишлар вазирлиги.

9-модда

1. Икки томоннинг ваколатли органлари мазкур Битимда назарда тутилган соҳалардаги ҳамкорликни енгиллаштириш мақсадида бевосита икки томонлама алоқаларни амалга ошириш йўлларини белгилайдилар.

2. Мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик Икки томон ваколатли органлари ёзма сўровлари асосида амалга оширилади.

3. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- а) сўраётган органнинг номи;
- б) сўралаётган органнинг номи;
- в) масаланинг моҳиятини баён қилиш ва уни асослаш, шунингдек сўровни бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумот.

10-модда

1. Икки томоннинг ҳар бири қуйидаги ҳолларда тўла ёки қисман ёрдам кўрсатишни рад этиши мумкин:

1) ёрдам кўрсатиш унинг қонунлари, қонунчилиги, суд қарорлари ёки халқаро мажбуриятларига зид бўлса;

2) ёрдам кўрсатиш унинг суверенитетига, хавфсизлигига ёки жамоат тартибига зарар келтиради деб ҳисобласа;

3) ёрдам кўрсатиш терговнинг боришини ёки унинг ҳудудида ўтказила-

диган чора-тадбирларни хавф остига қўйса. Бундай ҳолда ёрдам кўрсатиш рад қилиш сабаблари тугагунча кейинга сурилиши мумкин.

2. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров рад қилинган ҳолда, сўралаётган Томоннинг ваколатли органи сўраётган Томоннинг ваколатли органини ўзининг рад қилиш сабаблари тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

11-модда

Икки томоннинг ҳар бири мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш йўлида алмашилаётган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўради. Улардан ҳеч бири бундай маълумотни учинчи томонга мазкур маълумотни тақдим этган Томоннинг ёзма рухсатисиз бера олмайди.

12-модда

Мазкур Битимни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, агар бошқача келишмаган бўлса, худудиди бундай харажатлар қилинган Томон тарафидан қопланади.

13-модда

Мазкур Битим Икки томондан ҳар бирининг улар иштирокчиси бўлган бошқа икки томонлама ёки кўп томонлама битимларда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

14-модда

Мазкур Битимни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ юзага келадиган низолар Икки томоннинг ваколатли органлари ўртасидаги бевосита музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агар низо музокаралар йўли билан ҳал қилинмаса, унда у дипломатик каналлар орқали ҳал қилинади.

15-модда

Икки томон ўртасидаги қўшма фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида, заруриятга қараб, экспертлар ва мансабдор шахслар гуруҳлари тузилади, ушбу гуруҳлар ўз мажлисларини муқобиллик асосида ўтказишади. Икки томон жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан шуғулланаётган мансабдор шахсларнинг ва жиноятларни очиш технологиялари бўйича мутахассисларнинг ўзаро ташрифларини ташкил қилишлари мумкин.

16-модда

Мазкур Битимнинг қоидалари Икки томоннинг ўзаро келишуви асосида, уларнинг қонунлари ва қоидаларига мувофиқ, ўзаро қўшма ҳуқуқий ҳужжатни тузиш йўли билан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

17-модда

Мазкур Битим Икки томоннинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-қоидаларини бажарганлиги тўғрисида сўнги — хабарнома олинган санадан ўттизинчи куни кучга киради.

18-модда

Мазкур Битим уч йил давомида амал қилади ва агар Икки томондан бири мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугашидан ёки унинг кучини тўхтатиш ниятидан камида олти ой олдин ўзининг бундай нияти тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги худди шундай муддат(лар)га узайтирилади. Мазкур Битимни тўхтатиш тўғрисидаги хабарнома аввал тақдим қилинган сўровларнинг бажарилишига дахл қилмайди.

Мазкур Битим Риёз шаҳрида 2010 йил 27 ноябрда, хижрий йилнинг 21/12/1431 кунига мувофиқ ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бирдай аслига тўғри. Матнларни талқин қилишда ихтилофлар юзага келса, инглиз тилидаги матн устун бўлади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2011 йил 21 сентябрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчи),

Икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва техник-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжига кўра Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига 20 (йигирма) миллион хитой юани миқдорида беғараз ёрдам кўрсатади.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

2-модда

Мазкур беғараз ёрдам Томонлар ўртасида келишилган лойиҳаларда фойдаланилади. Муайян масалалар алоҳида битимлар имзолаш орқали икки Томон ўртасида қўшимча равишда келишиб олинади.

3-модда

Ушбу Битимни амалга ошириш учун ҳисоб-китоб бўйича тегишли қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган орган ва Хитой Давлат ривожланиш банки томонидан қўшимча равишда келишиб олинади.

4-модда

Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлар ушбу Битимда белгиланган барча мажбуриятларини бажаргунларига қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2011 йил 21 сентябрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилган, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о технико-экономическом сотрудничестве*

Ташкент, 21 сентября 2011 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики (далее именуемые Сторонами),
с целью дальнейшего развития дружественного партнерства и технико-экономического сотрудничества между двумя странами,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

По потребностям Правительства Республики Узбекистан, Правительство Китайской Народной Республики предоставляет Правительству Республики

* Вступило в силу со дня подписания.

Узбекистан безвозмездную помощь в размере 20 (двадцать) миллионов китайских юаней.

Статья 2

Выше указанная безвозмездная помощь будет использована для реализации проектов, согласованных между Сторонами. Конкретные вопросы будут дополнительно согласованы Сторонами путем подписания отдельных соглашений.

Статья 3

Соответствующие правила по расчетам для осуществления настоящего Соглашения будут дополнительно согласованы между назначенным Правительством Республики Узбекистан органом и Государственным банком развития Китая.

Статья 4

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты подписания и действует до выполнения Сторонами всех обязательств, предусмотренных Соглашением.

Совершенно в городе Ташкенте 21 сентября 2011 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзбек-
хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисида
БИТИМ***

2011 йил 26 октябрь, Пекин

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,
тенглик ва ўзаро манфаат принциплари асосидаги ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзбек-хитой алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берган ҳолда,

* Имзоланган кундан кучга кирган.

савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, транспорт, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ва хавфсизлик масалаларида ўзбек-хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида, ҳар икки Томоннинг кенг миқёсли ва кўп соҳалардаги ўзаро муносабатлари биргаликдаги ҳамкорлик механизмини доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилишини ҳисобга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматларaro қўмита (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади)ни ташкил этадилар.

2. Қўмита ва унинг кичик қўмиталари мажлисларини ўтказиш Қўмитанинг асосий фаолият шакли ҳисобланади. Қўмита ва унинг кичик қўмиталари мажлислари навбати билан Ўзбекистон ва Хитойда ўтказилади. Қўмита мажлислари одатда икки йилда бир марта ўтказилади, кичик қўмиталарнинг мажлислари эса йилида бир марта ўтказилади (аммо мунтазам асосда эмас). Зарур ҳолларда Қўмита ҳамраислари навбатдан ташқари мажлис чақиришлари мумкин. Мажлисларнинг кун тартиби ҳар икки Томондан Қўмита котибиятлари ўртасида мажлислар ўтказилишидан икки ой олдин келишилади.

2-модда

Қўмита ўзбек-хитой ҳамкорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирувчи механизм ҳисобланади. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифаларидир:

ўзбек-хитой ҳамкорлигининг ҳолатини таҳлил қилиш, унинг энг устувор йўналишлари ва ўзаро ҳаракат шаклларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва бошқа юридик ҳужжатларнинг бажарилишини кузатиш;

савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалар ва хавфсизлик масалалари юзасидан икки томонлама ҳукуматларaro битимлар ва ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ва алоқаларни амалга ошириш ваколати берилган икки давлат юридик шахсларининг алоқаларини йўлга қўйишда қўмаклашиш.

3-модда

1. Қўмита Томонларнинг ҳамраислари (бош вазир ўринбосари даражаси), котибиятларнинг бошлиқлари (икки мамлакат ташқи ишлар вазирликларининг тегишли раҳбарлари) ва кичик қўмиталарнинг ҳамраисларидан

(вазир ўринбосари даражаси) иборат бўлади. Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилигига мувофиқ юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларни тайинлайди, Томонлардан ҳар бирининг кичик қўмиталари аъзоларини белгилайди, Қўмитанинг ўз мамлакатларига оид қисмларининг таркиби ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида маълумот алмашади.

2. Қўмита ва кичик қўмиталарнинг мажлисида ҳудудида мажлис ўтказилаётган давлат томонидан Қўмита ёки кичик қўмитанинг ҳамраиси раислик қилади.

3. Қўмитанинг иш тартиби ва режаси унинг мажлисларида белгиланади. Қўмитанинг қарорлари консенсус асосида қабул қилинади ва имзолаш кунидан кучга кирадиган баённомалар билан расмийлаштирилади. Мажлислар яқунлари бўйича Томонлардан ҳар бирининг қабул қилинган қарорнинг бажарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъул бўлган кичик қўмитаси, вазирлиги ёки органи белгиланади.

4-модда

1. Томонлар Қўмита доирасида қуйидаги кичик қўмиталарни ташкил этади:

а) Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Тижорат вазирлиги;

б) Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Иқтисодиёт вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Энергетика ишлари бўйича давлат бошқармаси;

в) Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги;

г) Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Фан ва техника вазирлиги;

д) Маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Маданият вазирлиги;

е) Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбекистон томонидан ваколатли ташкилот: Ташқи ишлар вазирлиги;

Хитой томонидан ваколатли ташкилот: Ташқи ишлар вазирлиги.

2. Томонларнинг келишуви бўйича Қўмита доирасида доимий ёки муваққат иш органлари ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

5-модда

1. Ҳар икки Томондан Қўмита котибиятлари Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирликларининг тегишли минтақавий департаментларида ташкил этилади ва улар Қўмита мажлисларини тайёрлаш, Томонларнинг тегишли кичик қўмиталари, вазирликлари ва органлари тарафидан Қўмита қарорларининг бажарилишини мувофиқлаштириш учун жавоб беради.

2. Зарур ҳолларда, Томонларнинг келишуви бўйича ҳар икки Томондан Қўмита Котибиятлари раҳбарларининг учрашувлари ўтказилиши мумкин.

6-модда

Томонларнинг вакиллари Қўмита ва унинг кичик қўмиталари мажлисларида иштирок этиш учун жўнатилганда, жўнатувчи Томон халқаро транспорт харажатларини (парвоз учун харажатлар) ва иштирокчиларнинг туриши бўйича харажатларни (яшаш ва овқатланиш харажатлари) ўз зиммасига олади.

Қабул қилувчи Томон Қўмита ва унинг кичик қўмиталари мажлисларини ўтказишни ташкил этиш бўйича харажатларни ўз зиммасига олади.

7-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ушбу Битимга унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш бўйича низолар келиб чиққанда Томонлар уларни дўстона маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этади.

9-модда

Ушбу Битим Томонларнинг улар имзолаган ёки иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

10-модда

Ушбу Битим имзоланган кунидан кучга киради ва 5 (беш) йил давомида амал қилади. Ушбу Битимнинг амал қилиши, агар Томонлардан ҳеч бири Битимнинг навбатдаги амал қилиш муддати тугашидан камида 6 (олти) ой олдин уни бекор қилиш мақсади тўғрисида ўзининг ёзма хабарномасини юбормаса, ўз-ўзидан кейинги беш йиллик даврларга узайтирилади.

Ушбу Битим кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида имзоланган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат-

лараро ўзбек-хитой комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги битим бекор бўлади.

2011 йил 26 октябрда Пекин шаҳрида ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Китайской Народной Республики о создании
Узбекско-Китайского межправительственного комитета по
сотрудничеству*

Пекин, 26 октября 2011 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, далее именуемые Сторонами,

придавая приоритетное значение укреплению и развитию узбекско-китайских отношений во всех сферах сотрудничества на основе принципов равенства и взаимной выгоды,

в целях дальнейшего расширения и углубления Узбекско-Китайского сотрудничества в торгово-экономической, инвестиционной, энергетической, транспортной, научно-технической, культурно-гуманитарной областях и вопросах безопасности,

учитывая, что широкие и многоплановые взаимоотношения обеих Сторон требуют постоянного совершенствования механизма сотрудничества,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

1. Стороны создают Комитет по сотрудничеству между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики, который именуется Узбекско-Китайский межправительственный комитет по сотрудничеству (далее именуемый «Комитет»).

2. Основной формой деятельности Комитета является проведение заседаний Комитета и его подкомитетов. Заседания Комитета и его подкомитетов будут проводиться поочередно в Узбекистане и Китае. Заседания Комитета как правило будут проводиться один раз в два года, а заседания подкомитетов будут проводиться один раз в год, но не на регулярной основе. В случае необходимости сопредседатели Комитета могут созвать вне-

* Вступило в силу со дня подписания.

очередное заседание. Повестка дня заседаний будет согласовываться между секретариатами Комитета с обеих Сторон за два месяца до проведения заседаний.

Статья 2

Комитет представляет собой координационный механизм по содействию развития Узбекско-Китайского сотрудничества. Основными задачами Комитета являются:

анализ состояния Узбекско-Китайского сотрудничества, определение наиболее приоритетных его направлений и форм взаимодействия;

наблюдение за ходом выполнения двусторонних договоров между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой и иных юридических документов, а также решений, принятых на заседаниях Комитета;

координация деятельности по подготовке проектов двусторонних межправительственных соглашений и программ сотрудничества в торгово-экономической, энергетической, транспортной, научно-технической, культурно-гуманитарной областях и вопросах безопасности;

оказание содействия в деле налаживания контактов юридических лиц двух государств, которые в соответствии с национальными законодательствами Республики Узбекистан и Китайской Народной Республики уполномочены осуществлять сотрудничество и обмен во внешнеэкономической, культурно-гуманитарной и иных сферах.

Статья 3

1. Комитет состоит из сопредседателей Сторон (уровень вице-премьера), начальников секретариатов (соответствующие руководители министерств иностранных дел двух стран) и сопредседателей подкомитетов (уровень заместителя министра). Стороны в соответствии с национальными законодательствами государств Сторон назначают вышеуказанных лиц, определяют членов подкомитетов каждой из Сторон, своевременно обмениваются информацией о составах национальных частей Комитета и об изменениях в них.

2. На заседании Комитета и подкомитетов председательствует сопредседатель Комитета или подкомитета, на территории государства которого проводится заседание.

3. Порядок и план работы Комитета определяются на его заседаниях. Решения Комитета принимаются на основе консенсуса и оформляются протоколами, которые вступают в силу со дня подписания. По итогам заседаний определяются подкомитет, министерство или орган каждой из Сторон, ответственные в рамках своих полномочий за исполнение принятого решения.

Статья 4

1. Стороны в рамках Комитета создадут следующие подкомитеты:

- а) Подкомитет по торгово-экономическому —
компетентная организация с узбекской стороны: Министерство внешних
экономических связей, инвестиций и торговли;
компетентная организация с китайской стороны: Министерство коммер-
ции;
- б) Подкомитет по сотрудничеству в сфере энергетики —
компетентная организация с узбекской стороны: Министерство эконо-
мики;
компетентная организация с китайской стороны: Государственное управ-
ление по делам энергетики;
- в) Подкомитет по сотрудничеству в области транспорта —
компетентная организация с узбекской стороны: Министерство внешних
экономических связей, инвестиций и торговли;
компетентная организация с китайской стороны: Министерство транс-
порта и коммуникаций;
- г) Подкомитет по научно-техническому сотрудничеству —
компетентная организация с узбекской стороны: Комитет по координа-
ции развития науки и технологий;
компетентная организация с китайской стороны: Министерство науки
и техники;
- д) Подкомитет по культурно-гуманитарному сотрудничеству —
компетентная организация с узбекской стороны: Министерство по де-
лам культуры и спорта;
компетентная организация с китайской стороны: Министерство культуры;
- е) Подкомитет по сотрудничеству в области безопасности —
компетентная организация с узбекской стороны: Министерство ино-
странных дел;
компетентная организация с китайской стороны: Министерство ино-
странных дел.

2. По согласованию Сторон, в рамках Комитета могут создаваться и упраздняться постоянные или временные рабочие органы, в том числе отдельные подкомитеты.

Статья 5

1. Секретариаты Комитета с обеих Сторон создаются в соответствующих региональных департаментах министерств иностранных дел Республики Узбекистан и Китайской Народной Республики и отвечают за подготовку заседаний Комитета, координацию исполнения решений Комитета соответствующими подкомитетами, министерствами и органами Сторон.

2. В случае необходимости, по согласованию Сторон, могут проводиться встречи руководителей Секретариатов Комитета с обеих Сторон.

Статья 6

При направлении представителей Сторон для их участия в заседаниях

Комитета и его подкомитетов международные транспортные расходы (расходы за перелет) и расходы по пребыванию участников (расходы за проживание и питание) несет направляющая Сторона.

Принимающая Сторона несет расходы по организации проведения заседания Комитета и его подкомитетов.

Статья 7

В настоящее Соглашение по взаимному согласию Сторон могут быть внесены изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

Статья 8

В случае возникновения споров по толкованию или применению положений настоящего Соглашения Стороны будут разрешать их путем дружественных консультаций.

Статья 9

Настоящее Соглашение не влияет на права и обязательства Сторон по международным договорам, которые Стороны подписали либо участниками которых они являются.

Статья 10

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты подписания и будет действовать в течение 5 (пяти) лет. Действие настоящего Соглашения автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не направит не менее чем за 6 (шесть) месяцев до истечения очередного срока действия Соглашения официальное письменное уведомление о своем намерении прекратить его действие.

Со вступлением в силу настоящего Соглашения прекращает свое действие Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании межправительственной Узбекско-Китайской Комиссии по торгово-экономическому сотрудничеству, подписанное 13 марта 1992 года в г. Пекине.

Совершено в городе Пекине 26 октября 2011 года в двух подлинных экземплярах, каждый из которых на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги билан Венгрия савдони
лицензиялаш идораси ўртасида метрология соҳасида техник
ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ***

2011 йил 7 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Венгрия савдони лицензиялаш идораси, бундан кейин «Томонлар» деб юритилади,

Метрология соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш истагида,

1996 йил 21 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ва уларга Аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига асосланиб,

Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган меъёрлар ва стандартларидан келиб чиққан ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар қўшимча равишда тузиладиган Битимлар, молиявий шартномалар, баённомалар ва дастурлар доирасида алоҳида лойиҳаларни ўзаро келишилган ҳолда, қуйидаги соҳаларда ҳамкорликнинг тадбирларини амалга оширади:

— халқаро система (СИ) катталикларидаги миллий эталонларни ва ишчи эталонларнинг узатилишини такомиллаштириш;

— халқаро система (СИ) катталикларидаги миллий эталонларни солиштириш;

— метрология лабораториялари учун ускуналарни яратиш;

Метрология соҳасида эришилган етакчи малака ва тажриба билан алмашиш;

— метрология соҳасида мутахассисларни ўқитиш;

— маълумотлар, меъерий ва қонун ҳужжатлари билан алмашиш.

2-модда

Томонлар метрология соҳасидаги халқаро ташкилотларга уларга аъзо бўлишда ва мазкур ташкилотлар фаолиятида қатнашишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Мазкур Меморандум доирасидаги ҳамкорликнинг молиявий шартлари, Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра амалга оширилади.

* Имзоланган кундан кучга кирган.

4-модда

Томонлар, агар ҳужжатларнинг махфийлигидан Томонлардан бири хабардор қилинган бўлса, олинган ҳужжатлар ва ахборотлар ҳамда мазкур Англашув Меморандум доирасида эришилган илмий-техникавий натижаларнинг махфийлигини таъминлайдилар. Ҳар қандай маълумот учинчи Томонга махфийликни талаб қилган Томоннинг фақат ёзма розилиги билангина берилиши мумкин.

5-модда

Мазкур Англашув Меморандумининг талаблари Томонларнинг давлатлари иштирокчилари бўлган бошқа халқаро битимлар асосида пайдо бўладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

6-модда

Мазкур Англашув Меморандуми қоидаларини қўллаш ва талқин қилишда юзага келган келишмовчиликлар ўзаро маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

7-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига асосан, мазкур Англашув Меморандумига унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

8-модда

Мазкур Англашув Меморандуми Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва уч йил муддатга амал қилади. Ҳар бир Томон бошқа Томонни ёзма равишда бекор қилиш тўғрисида камида 6 ой олдин хабардор қилган ҳолда Битимни бекор қилиши мумкин.

Англашув Меморандуми Тошкент шаҳрида 2011 йил 7 ноябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, венгер ва инглиз тилларида тузилди.

(имзолар)

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги билан Венгрия стандартлар
институтини ўртасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш
соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2011 йил 7 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (Ўзстандарт) ва Венгрия стандартлар институтини (МСЗТ), бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

— 1996 йил 21 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ва уларга Аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битим қоидаларига асосланиб,

— Венгрия Республикасининг Европа Иттифоқига аъзо-давлат бўлганлигини эътиборга олиб,

— стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқиб,

— савдодаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида,

— атроф-муҳит муҳофазасини ва истеъмолчининг манфаатини таъминлашга шароитлар яратиш учун,

— ҳамкорликдан келиб чиқадиган ўзаро фойдани англаб, умумий вазифалар ва имкониятлар доираларида,

қуйидагиларни келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Битимни амалга ошириш давомида Томонлар мос равишда Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикаси қонунларига амал қиладилар.

2-модда

Томонлар савдодаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва янгиларининг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳамда Венгрия Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантирилишини яхшилаш мақсадида европа ва халқаро стандартлар асосида миллий стандартларни уйғунлаштириш соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда

Томонлар ўртасида ҳамкорлик қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

— стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида янги қабул

* Имзоланган кундан кучга кирган.

қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича маълумотлар билан ўзаро алмашиш;

— стандартларни ишлаб чиқишнинг истиқболли дастурлари ва режалари тўғрисида ахборот билан алмашиш;

— стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

— зарур ҳолларда Томонларнинг миллий стандартлари бўйича маълумотлар билан алмашиш ҳамда миллий стандартлар каталоглари ёки даврий нашрлар билан алмашиш;

— икки давлатдаги стандартлар ишлаб чиқувчи ташкилотлар ўртасида муносабатларни йўлга қўйиш;

— техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тажрибаси билан алмашиш;

— Ўзстандарт ва МСЗТ ўртасидаги муҳокамадан сўнг делегациялар ва мутахассислар билан алмашиш.

4-модда

Томонлар савдодаги техник тўсиқлар деб белгиланмаган миллий стандартлар билан таъминлашни ўз зиммасига оладилар ва ISO аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни эъозлашни ва ISO нинг халқаро стандартлаштириш фаолиятида ўзаро кўмаклашадилар.

5-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида қабул қилинган ҳужжатлар ва ахборотларнинг махфийлигини таъминлайдилар. Маълумотлар учинчи Томонга фақат маълумот берган Томоннинг ёзма розилиги билан тақдим этилиши мумкин.

6-модда

Ҳар бир Томон ўз имконияти ва ваколати даражасида:

— Ўзстандарт ва МСЗТ ўртасидаги муҳокамадан сўнг ўзаро профессионал экспертлар тажрибасини алмашиш, музокаралар, муҳокамалар ва ўқув курслари ташкил қилиш учун хизмат сафарларига сафарбар этишни амалга оширади;

— таклиф қилинган экспертларнинг Томонлар тарафидан ташкил қилинадиган семинар ва конференцияларда иштирок этишини таъминлайди.

7-модда

Мазкур Битимни бажаришнинг молиявий шартлари, Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра амалга оширилади.

8-модда

Мазкур Битим Томонларнинг улар иштирокчилари бўлган бошқа халқаро битимлар асосида пайдо бўладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

9-модда

Мазкур Битим қоидаларини талқин этилишида ва қўлланилишида юзага келувчи барча низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашиш ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10-модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра мазкур Битимга алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин, ушбу протоколлар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

11-модда

Мазкур Битим беш (5) йил муддатга тузилади ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Агар Томонларнинг бири мазкур Битимни муддати тугашидан олти (6) ой олдин бекор қилиш нияти борлиги ҳақида иккинчи Томонга ёзма равишда хабар бермаса, ушбу Битим ўз-ўзидан кейинги шундай муддатларга узайтирилади.

Агар Томонлар бошқача келишиб олмаган бўлсалар, мазкур Битимнинг ўз кучини йўқотиши, кучини йўқотиш санасидан аввал бошланган дастурларни амалга оширилишига таъсир этмайди.

Битим 2011 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, венгер ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Битим матнини изоҳлашда келишмовчиликлар юзага келса, инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида даромаддан олинадиган
солиқларнинг икки ёқлама қўлланишининг олдини
олиш тўғрисидаги 1996 йил 3 июлда имзоланган
Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақида
ПРОТОКОЛ**

2011 йил 18 апрель, Пекин

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
18 июлдаги ПҚ-1580-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 30 декабрдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати,

1996 йил 3 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида даромаддан олинадиган солиқларнинг иккиёқлама қўлланишининг олдини олиш тўғрисидаги Битимга (бундан буён матнда «Битим» деб юритилади) ўзгартишлар киритиш ҳақида Протокол қабул қилиш истагини билдириб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Битимнинг 25-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини бажариш учун ёхуд Аҳдлашувчи Давлатлар ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари номидан ундириладиган ҳар қандай турдаги солиқларга тааллуқли маъмурий ёки миллий қонун ҳужжатлари бўйича олиш мумкин бўлган ахборотни ушбу қонун ҳужжатлари бўйича солиқ солиш мазкур Битимга зид бўлмаган даражада алмашинадилар.

Ахборот алмашиш 1 ва 2-моддалар билан чекланмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлат томонидан 1-банд доирасида олинган ҳар қандай ахборот ҳам шу Давлат миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган ахборот сингари, худди шу маънода махфий ҳисобланади ҳамда белгилаш ёки солиқларни йиғиш ёхуд мажбурий ундириш ёки мазкур Битим татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан апелляция тартибида кўриб чиқиш билан машғул шахслар ёки давлат органларига очиб берилади. Бундай шахслар ёки органлар бу ахборотдан фақат шу мақсадларда фойдаланадилар. Улар Ушбу

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 299-модда.

** Хитой томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида 2011 йил 15 июндаги 109-сон Нота.

Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида 2011 йил 26 июлдаги 05/22855-сон Нота.

ахборотни очик суд мажлиси вақтида ёки суд қарорлари қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

3. Ҳеч қандай ҳолатда 1-банд қоидалари Аҳдлашаётган Давлатлардан бирининг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юкловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди:

(а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунларига зид бўлган маъмурий чоралар ўтказиш;

(б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий қонунларига кўра олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

(в) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки хизмат сирини ёхуд савдо жараёнини очиб берувчи ахборотни ёки очилиши давлат сиёсатига (оммавий тартиб ҳақида изоҳ) зид келиши мумкин бўлган ахборотни тақдим этиш.

4. Агар ахборот бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан мазкур моддага мувофиқ сўралса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат сўралган ахборотни олиш учун, ҳатто агар бундай ахборот ушбу бошқа Давлатга ўз солиқ мақсадлари учун талаб қилинмаса-да, ахборот йиғиш бўйича ўз чора-тадбирларидан фойдаланиши керак. Бундан аввалги жумлада келтирилган мажбурият 3-банднинг қоидалари билан чекланган объект ҳисобланади, бироқ ҳеч қандай ҳолда бундай чекловлар Аҳдлашувчи Давлатга фақат унга бўлган ички манфаатдорликнинг йўқлиги сабабли ахборот тақдим этишдан бош тортишга рухсат беради деб қараш мумкин эмас.

5. 3-банднинг бирорта қоидаси Аҳдлашувчи Давлатга фақат ахборотнинг эгаси банк, бошқа молиявий муассаса ёки ишончли вакил ҳисобланган шахс ҳисобланиши ёки ахборот шахснинг мулк ҳуқуқларига кириши сабабли ахборот тақдим этишдан воз кечишга рухсат беради деб қаралмайди.

2-модда

Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳар бири ички қонунчиликка мувофиқ талаб этиладиган ушбу Битимнинг кучга кириш таомили яқунлангани тўғрисида дипломатик каналлар орқали бир-бирини хабардор қилади. Ушбу Битим охириги шундай хабарнома олингандан ўттиз кундан кейин кучга қиради.

3-модда

Мазкур Протокол Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ўзининг амал қилишини Битимнинг амал қилиши тўхтатилган санадан бошлаб тўхтади.

Буни тасдиқлаш учун тегишли тарзда бунга ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар, мазкур Протоколни имзоладилар.

Пекин шаҳрида 2011 йил 18 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Маз-

кур Протокол қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни
рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2011 йил 19 апрель, Пекин

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
18 июлдаги ПҚ–1580-сон қарори билан тасдиқланган**

*(2011 йил 30 декабрдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар,

Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестициялар учун қулай шароитлар яратиб беришга интилиб,

тенглик ва ўзаро манфаатлар асосида бундай инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга ўзаро кўмаклашиш инвесторларнинг ишчанлик ташаббусига омил бўлиши ва икки давлатда иқтисодий юксалишни оширишга олиб келишини эътироф этиб,

икки Аҳдлашувчи Томонлар иқтисодий суверенитетини ҳурмат қилиб,

икки давлат халқлари фаровонлигига ва иқтисодиётнинг соғлом, мустаҳкам ва барқарор ривожланишига кўмаклашиш мақсадида икки давлат ҳамкорлигини жонлантиришни истаб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 29-сон, 299-модда.

** Хитой томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида 2011 йил 15 июндаги 116-сон Нота.

Ўзбекистон томонидан давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида 2011 йил 26 июлдаги 05/22855-сон Нота.

1-модда Таърифлар

Ушбу Битим мақсадлари учун:

1. «**Инвестиция**» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон инвестори бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида шу Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ инвестиция қилган активларининг барча турларини англатади ва, хусусан қуйидагиларни, аммо мутлақ уларни эмас, ўз ичига олади:

а) кўчар ва кўчмас мулк ва ипотека, гаров ва улар билан боғлиқ бошқа мулкӣ ҳуқуқлар ва уларга ўхшаш ҳуқуқлар;

б) пайлар, облигациялар, акциялар ва компанияларда иштирок этишнинг ҳар қандай шакллари;

в) инвестициялар билан боғлиқ, иқтисодий бойликка эга бўлган ҳар қандай фаолиятга оид пул маблағларини талаб қилиш ёки мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқлари;

г) интеллектуал мулк ҳуқуқлари, хусусан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фирма номлари, техникавий жараёнга оид ҳуқуқлар, ноу-хау ва гудвилл;

д) қонун ёки шартномага мувофиқ иқтисодий фаолият юритиш учун бериладиган ҳар қандай ҳуқуқ, қонун билан руҳсат этилган, шу жумладан табиат бойликларини қидириш, ишлов бериш, қазиб олиш ёки фойдаланиш, концессиялар;

е) қарз мажбуриятлари, шунингдек ҳукуматнинг қарз мажбуриятлари, қарзлар, қарзнинг бошқа турлари, улардан келиб чиқадиган ва инвестициялар билан боғлиқ ҳуқуқлар.

Инвестицияларнинг белгилари деганда капитал ёки бошқа ресурсларнинг сарфланиши, даромад ва фойда олишни кутиш ҳамда таваккалчиликни қабул қилишни англатади.

Инвестиция қилинган активларнинг ҳар қандай шаклда ўзгариши, агар бундай ўзгариш ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, бу активларнинг инвестициялик хусусиятига таъсир қилмайди.

Бир Аҳдлашувчи Томон инвестори тарафидан қисман ёхуд тўлалигича унга қарашли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида жойлашган корхона орқали амалга оширилган инвестициялар ҳам мазкур бандга мувофиқ инвестициялар деб ҳисобланади.

Ушбу Битим мақсадлари учун қуйидагилар инвестиция ҳисобланмайди: (а) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги корхона ёки фуқаро томонидан хизмат ёки товарлар савдосига нисбатан тижорат контрактларидан мутлоқ келиб чиқадиган пул маблағларига нисбатан бўлган талаблар; (б) инвестиция белгиларига эга бўлмаган ва мерос ёки никоҳ муносабатларидан келиб чиқадиган пул талаблари.

Қарзларни узишнинг дастлабки муддати 3 йилдан кам бўлмаган обли-

гациялар, қарз мажбуриятлари ва қарзлар мазкур Битим доирасида инвестициялар ҳисобланмайди.

2. «**Инвестор**» атамаси бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига инвестиция киритаётган ёки киритган фуқароси ёхуд корхонасини англатади:

а) «фуқаро» атамаси, Аҳдлашувчи Томонлар ҳар бирининг қонунларига мувофиқ фуқароликка эга бўлган жисмоний шахсларга айтилади;

б) «корхона» атамаси, Аҳдлашувчи Томонлар давлатларидан бирининг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тузилган ёки рўйхатга олинган ушбу Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида жойлашган ва тижорат фаолиятининг сезиларли қисми шу Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида бўлган, хусусий тадбиркор ёхуд ҳукумат назоратида бўлишидан қатъи назар, фаолияти фойда олишга қаратилган ёки фойда олишга қаратилмаган ташкилотлар, шунингдек компаниялар, фирмалар, уюшмалар, ширкатлар ва бошқа ташкилотларга айтилади;

в) Аҳдлашувчи Томоннинг давлати ҳисобланмайдиган Давлат қонунларига асосан таъсис этилган, бироқ мулк ҳуқуқи ёхуд мазкур банднинг а) банди бўйича фуқаролар ёки б) банди бўйича корхона назорати остида бўлган юридик шахслар.

3. «**Даромадлар**» атамаси инвестициялардан олинган маблағни, жумладан, фойда, дивидендлар, фоизлар, капитал ўсишидан олинадиган даромадлар, роялтилар, йиғимлар, товарларни қайтариш ва бошқа инвестиция билан боғлиқ қонуний даромадларни англатади.

4. «**Ҳудуд**» атамаси қўйидагиларни англатади:

а) Ўзбекистон Республикасига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, бунга қуруқликдаги ерлар, ички ва ҳудудий сувлар, улар устидаги самовий ҳудуди ҳамда унинг ташқи ҳудудий денгизи ҳар қандай зонаси ичида Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий қонунчилиги ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ денгиз ости ресурслари ва унинг қаърини, сув ости ресурсларини тадқиқот ва эксплуатация қилишга ўз суверен ҳуқуқини амалга оширишни англатади.

б) Хитой Халқ Республикасига нисбатан, Хитой Халқ Республикаси ҳудудини, бунга қуруқликдаги ерлар, ички сувлар ва ҳудудий сувлар ва улар устидаги самовий ҳудуди, шунингдек Хитой Халқ Республикаси хитой қонунлари ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ денгиз ости ресурсларини, уни сув ресурслари қамраб олган остки қатламини тадқиқот ва эксплуатация қилишга бўлган суверен ҳуқуқи ва юрисдикциясини англатади.

2-модда

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларини ўз давлати ҳудудига жалб этишни рағбатлантиради, қонун ва ўзининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ бундай инвестицияларни тан олади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига

мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг мазкур Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида амалга оширилган инвестициялар билан боғлиқ фаолиятида иштирок этувчи фуқароларига ишлаш учун виза ва рухсатномалар олишда кўмаклашади.

3-модда **Миллий режим**

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларга ўз инвесторлари ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, кам бўлмаган қулай режимни яратиб беради, ўзининг ҳудудида инвестицияларни бошқариш, амалга ошириш, хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, эгалик қилиш, сотиш ва тасарруф этишга оид қўлланиладиган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бундан мустасно.

4-модда **Энг қулай режим**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига ҳар қандай учинчи давлат инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, эксплуатация қилиш, бошқариш, хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, эгалик қилиш, сотиш ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.

2. Мазкур модданинг 1-банди қоидаларида назарда тутилган ҳар қандай қулай режимнинг афзаллигини, преференция ва имтиёзларини бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига қуйидагилар асосида бериши шарт деб талқин қилинмайди:

а) ҳар қандай божхона иттифоқи, эркин савдо зоналари, иқтисодий иттифоқ ҳамда мазкур иттифоқлар доирасида амал қиладиган битимлар ёки шунга ўхшаш ташкилотлар;

б) тўла ёки қисман солиқ солишга доир (божхона тўловларини ҳам ҳисобга олганда) ҳар қандай халқаро битим ёки келишув;

в) чегара бўйи вилоятларида чегара савдосини рағбатлантиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар.

3. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари бошқа шартномаларда назарда тутилган низоларни ҳал қилиш механизми мазкур Битим бўйича инвесторларга ва инвестицияларга доир низоларга тааллуқли бўлмайди.

5-модда **Адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларга адо-

латли ва тенг ҳуқуқли режим, тўла ҳимоя ва хавфсизлик яратиб беришга қафолат беради.

2. «Адолатли ва тенг ҳуқуқли режим» бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларига бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан одил судлов жараёнида иштирок этиш ҳуқуқини рад этиш ва яққол равишда дискриминация ва асосланмаган чораларни қўлламасликни талаб қилади.

3. «Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик» Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан инвестициявий ҳимоя ва хавфсизликни таъминлашда оқилона ва зарур бўлган ҳуқуқий муҳофаза чораларини қўллашни талаб қилади. Аммо ушбу, ҳар қандай ҳолатда инвесторларга нисбатан ҳудудида инвестицияларни амалга оширган Аҳдлашувчи Томон фуқароларига яратиб берилаётган режимдан қулай бўлган режимни яратиб беришни англамайди.

4. Мазкур Битимнинг бошқа моддалари ёки бошқа шартномаларнинг қоидалари бузилганлигини аниқлаш, ушбу модданинг бузилганлигини англамайди.

6-модда **Экспроприация**

1. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч бири ўз давлати ҳудудида, бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари экспроприация, национализация ёки инвесторларнинг инвестицияларини экспроприация ва национализацияга тенглаштирилган чораларни қўлламайди, аммо қуйидаги талабларга риоя қилиш бундан мустасно:

- (а) жамият манфаатларида;
- (б) ички суд жараёни ва шу кабиларга риоя қилишда;
- (в) дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда;
- (г) бошқа зарарларни қоплаш ҳисобига.

«Экспроприация ва национализацияга ўхшаш бўлган чоралар» билвосита экспроприацияга тенглаштирилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг чора ва чоралари 1-бандга асосан экспроприацияга тенглаштирилади деб белгиланиши, далилларга асосланган ҳолда яққа текширув ўтказишни талаб қилади ва бошқа далиллар қаторида қуйидагиларни кўриб чиқади:

(а) иқтисодий таъсир кўрсатувчи чора ва чоралар, бунда Аҳдлашувчи Томоннинг чора ва чоралари инвестициянинг иқтисодий қийматига салбий таъсир кўрсатиши ўз ўзидан билвосита экспроприацияни вужудга келтирди деб белгиланмайди;

(б) чора ёки чоралар даражаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвесторларига ва у билан боғлиқ инвестицияларига нисбатан ҳаракати ёки қўлланилиши дискриминацияли бўлса;

(в) чора ёки чоралар даражаси бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторининг яққол оқилона инвестиция натижасини кутиш ишига аралашишга олиб келса; бундай кутиш бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторига айрим мажбуриятларни бажаришни олганидан вужудга келади;

(г) чора ёки чоралар характери ва мақсади жамият манфаати мақсадларида қабул қилинган ва экспроприация мақсадлари учун мос келади.

3. Шу билан бирга, истисно ҳолларда, бир Аҳдлашувчи Томон тарафидан жамият фаровонлигини оқилона қўллаб-қувватлашнинг кучли эҳтиёжидан келиб чиқиб ва дискриминация ҳисобланмайдиган тартибга солинадиган қонуний ижтимоий фаровонлик мақсадида қабул қилинган шундай чоралар: соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, билвосита экспроприация ҳисобланмайди.

4. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган компенсация бевосита экспроприация қилинган инвестицияларнинг ҳақиқий бозор қийматига мос келиши шарт ёки экспроприация тўғрисида ҳаммага маълум бўлиши керак, шундан қайси бири илгари содир бўлганлигига боғлиқ.

Компенсация тўлов санасига қадар бўлган даврдаги оқилона тижорат ставка бўйича ҳисобланадиган манфаатни ҳам ўз ичига олиши шарт. Компенсация асосиз кечиктирилмаган ҳолда самарали амалга оширилиши ва эркин тўлов ўтказилиши керак.

7-модда

Зарар ва йўқотишлар учун компенсация

1. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида зарар кўраётган тақдирда охириги Аҳдлашувчи Томон ҳарбий тўқнашувлар, фавқулодда ҳолатлар, қўзғолон ва бошқа шу каби вазиятлар оқибатида реституция, компенсация, зарарни қоплаш ва шунга боғлиқ тартибга солишнинг бошқа турлари бўйича бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати тарафидан ўзининг ёки бошқа учинчи давлат инвесторларига бериладиган қулай режимдан кам бўлмаган режим, манфаатдор инвесторга қайси бири қулай эканига боғлиқ ҳолда, яратиб берилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестициялари мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай вазиятларда бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида реквизиция ёки охириги Аҳдлашувчи Томон давлатининг қуролли кучлари ёки ҳокимияти тарафидан инвестицияларни ёхуд унинг қисмларини йўқ қилиш туфайли зарар кўраётган тақдирда, етказилган зарар, агар ҳарбий ҳаракатлар ёки вазиятнинг зарурлиги бўйича юза келмаган бўлса, реституция ёки эквивалент компенсация олиши шарт.

8-модда

Ўтказмалар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларига, биринчи Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида қонуний йўл билан олган даромад ёки фойдани, барча солиқ мажбуриятлари бажарилганидан сўнг ўтказиб беришни кафолатлайди ва шу хусусият бўйича, аммо мутлақ бўлмаган, қуйидагиларни қамраб олади:

(а) даромад, фоизлар, дивидендлар, капитал ўсишдан олинган фойда, роялти ва бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқига тегишли бўлган мукофотлар;

(б) инвестиция битимларига доир тўловлар, шу жумладан қарз битими билан боғлиқ бўлган тўловлар;

(в) инвестицияларни тўлиқ ёки қисман сотиш ёхуд тугатиш оқибатида юзага келадиган даромадлар;

(г) инвестициялар муносабати билан меҳнат қилаётган бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқароларининг даромад ёки мукофоти;

(д) 6 ва 7-моддаларга кўра амалга ошириладиган тўловлар; ёки

(е) инвестицияларга оид низолар оқибатида юзага келадиган тўловлар.

2. Агар мазкур Битимда бошқача кўрсатилган бўлмаса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ юқорида келтирилган инвесторлар тарафидан амалга ошириладиган ўтказмаларни, барча солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарганидан сўнг, кечиктирмасдан ўтказма кунда мавжуд бўлган бозор айирбошлаш курсида эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилишини кафолатлайди.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Томон ўзининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқлик, дискриминацияга йўл қўймаган ва ҳаққоний қўллаш асосида ўтказмаларга йўл қўймаслиги мумкин, бу қўйидагиларга тааллуқли:

(а) банкротлик, тўловга қобилиятсизлик ёки кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

(б) қимматли қоғоз фьючерси, опционлари ва бошқа ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш, савдо ёки улар билан ишлаш;

(в) жинойт ва маъмурий ҳуқуқбузарликларда гумон қилиш;

(г) нақд пул ўтказиш ёки бошқа пул кредит инструментлари тўғрисида хабар бериш; ёки

(д) суд ва маъмурий ишларни кўрилишини таъминлаш.

4. Тўлов балансида оид қийинчилик вужудга келса ёки вужудга келиш хавфи мавжуд бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўтказмаларни вақтинча чеклаб қўйиши мумкин ва мазкур Аҳдлашувчи Томон тарафидан бу тадбирлар халқаро стандартларга риоя қилиш шарти билан амалга оширилади. Мазкур чеклашлар тенг ҳуқуқликлик, дискриминацияга йўл қўймаган ва ҳаққоний қўллаш асосида белгиланиши шарт.

9-модда **Суброгация**

Агар бир Аҳдлашувчи Томон ёки у ваколат берган орган бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга оширган инвесторга кафолат ёки нотижорат хавфлардан суғурта шартномаси асосида тўловни амалга ошираётган бўлса, сўнгги Аҳдлашувчи Томон қўйидагиларни тан олади:

(а) ордер, биринчи Аҳдлашувчи Томон давлати қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ёки ҳуқуқий транзакциялари асосида, инвестор томонидан биринчи Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг ваколатли органига ҳар қандай ҳуқуқ ёки талаблар, шунингдек,

(б) биринчи Аҳдлашувчи Томон ёки унинг ваколатли органи суброгация асосида ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқидан бошлаб то ушбу инвесторнинг талабларини ижро этишгача ва инвестициялар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни инвестор каби айнан шу доираларда қабул қилиш.

10-модда

Имтиёз беришни рад этиш

1. Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг корхонаси бўладиган инвесторига ва ушбу инвесторнинг инвестицияларига нисбатан ушбу Битим томони бўлмаган давлат фуқароси мазкур корхонага эгалик қилган ёки уни бошқарган тақдирда ушбу Битимда белгиланган имтиёзларни беришни қўйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

(а) имтиёз беришни рад этаётган Аҳдлашувчи Томон, ушбу Битимда иштирок этаётган Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик муносабатларини қўллаб-қувватламаганда; ёки

(б) имтиёз беришни рад этувчи Аҳдлашувчи Томон, ушбу Битим иштирокчиси бўлмаган томонга ёки шу томоннинг шахсига нисбатан қўлланиладиган корхона билан битимлар тузишни ман этадиган ёхуд агар ушбу Битим бўйича имтиёзлар корхонага ёки унинг инвестицияларига берилган тақдирда бузилиши ёки четлаб ўтилишига олиб келиши мумкин бўладиган чораларни кўрганда ёки уларни қўллаб-қувватлаганда;

(в) бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида ҳеч қандай тижорат фаолиятини олиб бормайдиган корхона бўлганда.

2. Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон корхонаси бўладиган инвесторига ва унинг инвестицияларига нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида корхона ҳеч қандай муҳим иш фаолияти олиб бормаган ва ушбу Битим томони бўлмаган давлат фуқаролари ёки корхоналари корхонага эгалик қилган ёки бошқарган тақдирда ушбу Битимда белгиланган имтиёзларнинг берилишини рад этиши мумкин.

11-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашга доир ҳар қандай низолар имкон қадар маслаҳатлашувлар йўли билан дипломатик каналлар орқали ҳал қилиниши лозим.

2. Агар низони бундай йўл орқали ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, у олти ой мобайнида Аҳдлашувчи Томондан бирининг сўровига кўра *ad hoc* ҳакамлик судига кўриб чиқиш учун топширилиши лозим.

3. Бундай суд 3 ҳакамдан иборат бўлади. Ҳакамлик суди тўғрисида ёзма сўров олинганидан сўнг икки ой давомида ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан ҳакамни тайинлайди. Ушбу икки ҳакам, кейинги икки ой давомида биргаликда икки Аҳдлашувчи Томонлар билан дипломатик муносабатда бўлган учинчи давлатнинг фуқаросини Ҳакамлик судининг раиси сифатида тайинлайдилар.

4. Агар Ҳакамлик суди ёзма сўровнома келиб тушган санадан бошлаб

тўрт ой мобайнида ташкил топмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири, бошқача келишув мавжуд бўлмаган бўлса, зарур тайинлашларни амалга ошириш учун Халқаро Суд Раисини таклиф қилиши мумкин. Агар Раис Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки у бошқа сабабларга кўра ушбу вазифани бажара олмаса, Халқаро Суд Раисидан кейин турувчи, Аҳдлашувчи Томонларнинг фуқароси бўлмаган ёки у бошқа сабабларга кўра ушбу вазифани бажаришига тўсқинлик бўлмаган аъзоси зарур тайинлашларни амалга оширишга таклиф қилиниши шарт.

5. Ҳакамлик суди ўз процедураларини ўзи белгилайди. Ҳакамлик суди ўз қарорини мазкур Битим қоидаларига ва икки Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан халқаро ҳуқуқнинг тан олинган принципларига асосланган ҳолда қабул қилади.

6. Ҳакамлик суди ўз қарорини кўпчилик овоз билан қабул қилади. Бундай қарор ҳар икки Аҳдлашувчи Томонлар учун қатъий ва мажбурийдир. Ҳакамлик суди ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг сўровига асосан қабул қилган қарорининг сабабини тушунтириб беради.

7. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳакамлик муҳокамасига тайинланган ўзининг суд аъзоси ва унинг вакилликнинг харажатларини ўз зиммасига олади. Раиснинг ва суднинг харажатлари Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан тенг қисмда қопланади.

12-модда

Аҳдлашувчи Томон ва инвестор ўртасидаги низоларни ҳал қилиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори ўртасидаги бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги инвестицияларга доир ҳар қандай юридик низоларни ҳал қилиш имкон қадар томонлар ўртасида дўстона йўл билан музокаралар ўтказиш, шу билан бирга келишув процедуралари орқали ҳал қилиниши шарт.

2. Агар 2 дан 9-моддаларгача ёки 13-моддада кўрсатилган мажбуриятларни бир Аҳдлашувчи Томоннинг инвестори бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан бузилган деб айбласа, низо ҳар қандай томон тарафидан билдиришнома юборилган санадан бошлаб олти ой мобайнида музокара йўли билан ҳал қилинмаса, ушбу мажбуриятларни бузиш оқибатида зарар ёки зиён кўрган инвестор, ўз ихтиёрига кўра, қуйидаги даъвони бериши мумкин:

а) низо томони ҳисобланган Аҳдлашувчи Томон давлатининг ваколатли судига;

б) 1965 йил 18 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар билан чет эл шахслари ўртасида инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияда назарда тутилган Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга, ёки;

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг ҳакамлик қоидаларига мувофиқ тузилиши лозим бўлган «ad hoc» ҳакамлик трибуналига;

г) низо томонлари ўртасида келишилган ҳар қандай ҳакамлик инстанциясига ёки ad hoc ҳакамлик судига.

Бошқа Аҳдлашувчи Томон тегишли инвестордан низони халқаро ҳакамлик судига тақдим этишидан олдин ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ички маъмурий процедураларни тугатганлигини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. Агар инвестор манфаатдор Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли судига ёки халқаро ҳакамлик судига низони тақдим этган бўлса, мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган тўрт тартибдан бири танланганлиги якуний деб ҳисобланади.

4. Агар инвестор низо тўғрисида биринчи марта билган санадан ёки низони келтириб чиқарувчи воқеалар ҳақида биринчи марта билиши лозим бўлган вақтдан уч йилдан кўп вақт ўтган бўлса, низони ҳакамлик судига тақдим этиш мумкин эмас.

5. Агар мазкур Битим қоидалари ҳакамлик қоидаларига зид бўлса, мазкур Битим қоидалари устун ҳисобланади.

6. Суд низо бўйича томонлар ўртасида келишилган ҳуқуқ нормаларига асосан қарор қабул қилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда суд Аҳдлашувчи Томоннинг ҳуқуқини (унинг коллизион нормалар тўғрисидаги ҳужжатларини ҳам инobatга олган ҳолда) ва қўлланилиши мумкин бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларини, хусусан ушбу Битимни ҳам қўллайди.

7. Агар низолашаётган томонлар бошқача келишган бўлмасалар, Аҳдлашувчи Томон мазкур Битим доирасида ўз мажбуриятларини бузган деб суд қарори билан тасдиқласа, суд фақат алоҳида ёки инobatга олиб қўйидаги қарорни қабул қилиши мумкин:

(а) пул компенсацияси ёки ҳар қандай қўллаиб бўладиган фоиз;

(б) мулкни реституция қилиш, бу ҳолатда қабул қилинган қарор пул компенсациясига ва реституция ўрнига тегишли фоиз олишга қаратилиши мумкин.

8. Ҳар бир низо томонига нисбатан суд томонидан қабул қилинган қарор қатъий ва мажбурий ҳисобланади. Икки Аҳдлашувчи Томон ҳакамлик судининг қарорини бажариши шарт.

9. Низо томони якуний ҳал қилув қарорининг бажарилишини талаб қила олмайди, агар:

(а) Давлатлар билан чет эл шахслари ўртасидаги инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияга биноан қабул қилинган якуний ҳал қилув қарорига мувофиқ;

(i) қарор қабул қилинган кундан бошлаб 120 кун ўтган бўлса ва низода иштирок этувчи томонлардан ҳеч бири қарорни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида мурожаат қилмаган бўлса; ёки

(ii) қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш тартиби тугатилган бўлса,

(б) низо иштирокчилари томонидан танланган ҳар қандай бошқа ҳакамлик қоидалари, ЮНСИТРАЛ ҳакамлик регламенти, Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг қўшимча тартиб қоидалари асосида якуний ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳолатда:

(i) қарор қабул қилинган кундан бошлаб 90 кун ўтган бўлса ва низода иштирок этувчи томонлардан ҳеч бири қарорни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш тартибини бошламаган бўлса; ёки

(ii) суд қарорни қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш ва кучдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган ёки даъво аризасини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ва ушбу қарор устидан ҳар қандай низо иштирокчилари томонидан эътироз бўлмаса.

10. Ҳар бир низо иштирокчиси ўзи тайинлаган ҳакам ва ҳар қандай вакилининг судда иштирок этиши билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплайди. Суд раисининг харажатлари ва судни ўтқозиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан тенг қисмда қопланади. Ҳакамлик суди низо иштирокчиларининг бирига харажатларнинг кўпрогини қоплашни юклаши мумкин ва тушунтириш беради. Агар Ҳакамлик суди низонинг бирор-бир иштирокчисининг талаби ёки эътирози асоссиз деб ҳисобласа, у ютқазган томонга ютган томоннинг харажатларини ва суд чикимларини, оқилона сабабларни инобатга олган ҳолда, қоплашни юклаши мумкин.

13-модда

Бошқа мажбуриятлар

1. Агар бир Аҳдлашувчи Томоннинг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ёки Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида амалдаги ёки келажакда белгиланадиган халқаро мажбуриятлари бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларига нисбатан мазкур Битимда белгиланганидан кўра қулайроқ режим яратишни назарда тутувчи қоидалардан иборат бўлса, бундай қоидалар ушбу Битимга зарар етказмайди.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг инвестицияларига нисбатан битим, шартнома ёки контрактлар шаклида имзоланган ҳар қандай ёзма мажбуриятларига амал қилади.

3. 2-банд қоидаларига қарамай, исталган Аҳдлашувчи Томоннинг мажбуриятлари тижорат контрактлар доирасида бузилган ҳолларда ушбу Битим қоидалари бузилган ҳисобланмайди.

14-модда

Қўлланилиши

1. Ушбу Битим, у кучга киргунга қадар ёки кучга киргандан сўнг бир Аҳдлашувчи Томон инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг ички қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган инвестицияларга нисбатан қўлланилади, аммо ушбу Битим кучга киргунга қадар келиб чиққан низоларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Битимнинг 12-моддаси 1-модданинг 2 (в)-бандида белгиланган инвесторларга нисбатан фақат куйидаги ҳолларда татбиқ этилади: асосли ҳуқуқий даъво бўлмаганда ёки инвестор иштирокчиси бўлмаган томон билан имзоланган бошқа битимлар доирасида ҳуқуқий даъводан воз кечганда,

қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон билан инвестор таъсис этилганда.

15-модда **Консултациялар**

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг вакиллари вақти-вақти билан қуйидаги мақсадларда учрашувларни ўтказиб турадилар:

- (а) ушбу Битим мониторингини амалга ошириш;
- (б) ҳуқуқий ахборот ва инвестициявий имкониятлар билан алмашиш;
- (в) инвестиция муносабати билан юзага келган низоларни ҳал қилиш;
- (г) инвестицияни рағбатлантиришга доир таклифлар билан алмашиш;
- (д) инвестиция билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

2. Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай масалалар бўйича консултация ўтказишни талаб қилса, бошқа Аҳдлашувчи Томон кечиктирмасдан жавоб қайтариши лозим ва консултация навбат билан Пекин ва Тошкент шаҳарларида ўтказилади.

16-модда **Талқин этиш (интерпретация)**

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг сўровига асосан 12-моддада кўрсатилган низоларни ҳал қилиш жараёнида Ҳакамлик суди ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонлардан ушбу Битимнинг низоли моддаларини биргаликда талқинини талаб қилиши шарт. Ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон сўровнома келган санадан бошлаб етмиш кун мобайнида ёзма равишда ўзаро келишилган қарорни Ҳакамлик судига тақдим қилиши лозим.

2. 1-бандга асосан ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон қабул қилган ўзаро келишилган қарор, Ҳакамлик суди учун мажбурийдир. Ҳакамлик судининг қарори ўзаро келишилган қарорга мос келиши лозим. Агар Аҳдлашувчи Томонлар етмиш кун ичида ўзаро келишилган қарорга кела олмасалар, Ҳакамлик суди мустақил равишда қарор қабул қилади.

17-модда **Ўзгартишлар киритиш**

Мазкур Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилиги асосида протоколлар билан имзоланадиган ўзгартишлар киритилиши мумкин, 18-моддага асосан кучга киради ва мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

18-модда **Кучга кириш, амал қилиш ва тўхтатиш**

1. Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимни тасдиқланиши ва кучга кириши учун зарур ички ҳуқуқий процедураларни амалга оширганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда бир-бирларини хабардор қиладилар. Мазкур Битим икки билдириш хатининг сўнггиси олинган санадан бошлаб ўттизинчи кунда кучга киради. Мазкур Битим ўн (10) йил

давомида амал қилади. Мазкур Битимнинг амал қилиши биринчи ўн (10) йиллик муддати тугашидан бир йил олдин бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томонга уни тугатиш тўғрисида ёзма хабарнома бермаса, кейинги ўн (10) йилга узайтирилади.

2. Ҳар бир Ахдлашувчи Томон бошқа Ахдлашувчи Томонга биринчи ўн йиллик муддати тугашидан олдин мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида хабарнома бериши мумкин. Мазкур Битим хабарнома юборилгандан санадан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотади.

3. 1-моддадан 16-моддагача бўлган қоидалар мазкур Битимнинг амал қилиши тўхтаган санагача амалга оширилган инвестицияларга нисбатан келгусидаги ўн йиллик давр мобайнида кучида қолади.

Мазкур Битим кучга кириш санасидан бошлаб 1992 йил 13 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасидаги сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим ўз кучини йўқотади.

УШБУНИ ТАСДИҚЛАГАН ХОЛДА, лозим тарзда ҳукуматлардан ваколатли этиб тайинланиб, қуйида имзо чекувчи вакиллар ушбу Битимни имзоладилар.

Пекин шаҳрида 2011 йил 19 апрелда, ҳар бири ўзбек, хитой ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

ОБМЕННЫЕ НОТЫ
о внесении изменений в Соглашение
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Республики Корея об установлении
воздушного сообщения между их соответствующими
территориями и за их пределами от 06.06.1994 г.*

Сеул, 19 августа 2011 года

Ташкент, 2 сентября 2011 года

Вступили в силу с 2 сентября 2011 года

МЕМОРАНДУМ
о сотрудничестве между Министерством
финансов Республики Узбекистан и Министерством
финансов и стратегии Республики Корея*

Подписан по дипломатическим каналам

Сеул, 12 августа 2011 года

Ташкент, 28 августа 2011 года

Вступил в силу с 28 август 2011 года

* Настоящие документы были приняты только на английском языке.

МЕМОРАНДУМ

о взаимопонимании между Министерством по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Министерством культуры, спорта и туризма Республики Корея*

Сеул, 1 августа 2011 года

Вступил в силу с даты подписания.

МЕМОРАНДУМ

о взаимопонимании между Агентством по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан и Корейским ведомством по интеллектуальной собственности*

Тэджон, 19 августа 2011 года

Ташкент, 26 августа 2011 года

Вступил в силу с 26 август 2011 года

МЕМОРАНДУМ

о сотрудничестве между Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан и Министерством сельского хозяйства и развития села Социалистической Республики Вьетнам о сотрудничестве в сфере сельского хозяйства и развития села*

Ташкент, 3 октября 2011 года

Вступило с даты подписания.

* Настоящие документы были приняты только на английском языке.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТўПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 3-4 (31-32)-сон, 2011. — 104 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2012 й.

Тахрир кенгаши:

*Н.Т. Йўлдошев, А.Х. Комилов, Е.С. Каньязов,
К.К. Рашидов, С.С. Нуриев*

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

Д.А.Ибрагимова, Ф.Ш. Тожиев, Ж.Ф. Сирожев,

Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусаҳҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти.

100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: 233-84-80, 233-94-36, 233-67-65.

Босишга рухсат этилди 25.03.2012. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 6,5 б.т. Адади 950 нусха, буюртма — 39.

«KOHИ NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди,
Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 44.